

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ
КАФЕДРАСИ

**Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик
юбилейига бағишлаб ўтказилаётган**

**«Мажлиси Уламо
ўрта аср Шарқининг
йирик илмий маркази»**

**номли илмий-амалий конференция
материаллари**

Тошкент – 2006

Мазкур тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари, магистрант талабалари шунингдек, кафедра билан ҳамкорликда ишлаётган бошқа олий таълим муассасалари ходимларининг Маъмур Академияси 1000 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган илмий-амалий конференция материалларини ўз ичига олган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори
М.М. ИСҲОҚОВ

Тақризчилар: тарих фанлари доктори **Д. ЮСУПОВА**
тарих фанлари номзоди
М. КОМИЛОВ

СЎЗ БОШИ

Шарқ, қолаверса, жаҳон цивилизациясининг илк ўчоқларидан бўлган Хоразм ўлкаси ўзининг қадимий илдишларга эгалиги, бетакрор маданий анъаналари билан ажралиб туради. Хоразмда ўрта аср илғор фани ўз даврида Шарқ ва Ғарб илмий дунёқараш ва тафаккури самараларини уйғунлаштиришга, фаннинг умум-башарий хоссасини янада ривожлантиришга хизмат қилди. «Мажлиси уламо» алломаларининг қомусий илмий фаолияти жаҳон илмий тафаккурини янги поғонага кўтарди.

«Қадимги Хоразм диёрида, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб яшнаган. Юртимиздаги дастлабки академиялар, хусусан, Маъмун Академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру ғурур билан эслаймиз. Бу ўлкада етишиб чиққан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ақл заковати, ўз салоҳияти билан шу юртимизнинг, халқимизнинг номини сақлашга тараннум этдилар»¹.

Ўрта Осиёда IX–XII асрларда рўй берган сиёсий ўзгаришлар оқибатида марказлашган давлатлар ташкил топди. Бу эса ўз навбатида деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, айниқса савдо-сотикнинг ривожланишига хизмат қилди. Минтақада муайян муддат шаклланган сиёсий, иқтисодий барқарорлик илму фан ва маданиятнинг гуллаб яшнашига шароит яратди. Бу даврда Сомонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар саройларида илм аҳлини йиғиш, маърифат-маънавият масалаларини давлат ҳимоятига олиш, уламою фузалоларга ҳомийлик қилиш одат тусига кирган эди.

Илмий марказ тузиш, фан тараққиётига хизмат қилиш, унинг самараларидан фойдаланишга интилиш анъанаси X аср охири–XI асрнинг бошларида Хоразмда ҳукмронлик қилган Маъмунийлар (995–1017) сулоласи даврида ҳам давом эттирилди ва янада юқори поғонага кўтарилди.

995 йил Гурганч амири Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам беради. Кат шахрини босиб ола-

¹ Каримов И. Асарлар. 6-жилд. – Б. 112.

ди ва пойтахтни Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Унинг вориси Али ибн Маъмуннинг таклифи билан 1004–1005 йилларда Абу Наср ибн Ирок, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Ал-Хўжандий, кимёгар олим Абду Малик ас-Солибий каби ўз даврининг ўнлаб буюк олимлари Гурганч шаҳрига тўпланадилар. Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Гурганчда «Дор-ул-ҳикма ва маориф» (баъзи манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланди¹. Бу ерда илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган. Ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган.

XVIII–XX аср тарихчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу даргоҳ ўз даврининг Академияси бўлганлигини исботлади. Унга шартли равишда «Маъмун Академияси» деб ном берилди.

Хоразм Маъмун Академияси жаҳон илмий тафаккури, маданий ва маънавий тараққиётининг беназир ҳодисаси сифатида тарихда чуқур из қолдирган. Дунё цивилизацияси тарихида бундай анъаналар қадимий илдизларга эгадир. Афлотун Академияси «боғ суҳбатлари» – олимларнинг турли мавзулар бўйича баҳс-мунозаралари шаклида амал қилган бўлса, кейинги даврлардаги илмий марказлар олимларнинг доимий иш олиб борувчи уюшмаларига айланган. Масалан, македониялик Александр босқинчилиги даврида такаббуруна йўқ қилинган Авеста китобини унутилишдан асраб қолиш учун Парфия подшоси Валахш махсус илмий марказ тузган эди. Валахш тўплаттирган ва саҳиҳ қилган Авеста китоби ҳам бизга қадар етиб келмаган.

Сосонийлар Эронида зардуштийликнинг давлат дини даражасига кўтарилиши муносабати билан Авестани тиклаш бўйича доимий илмий ҳаракат ташкил топди. Ардашир Попак ўғли, Шопур I ва бошқа сосоний ҳукмдорлари даврида жиддий уринишлар охир-оқибатда Эрон шаҳаншоҳи Хисрав I даврида (531–579 йиллар) поёнига етди. Бу илмий ҳаракатни авесташунослик илмий маркази тарихий босқичи деб баҳолаш мумкин.

¹ Азимбий Саъдуллаев. Хоразм Маъмун Академияси. – Хива, 2000. – Б. 4.

Бундан ташқари табиийётшунослик, илми нужум, математика, кимё, жамиятшунослик ва гуманитар билимлар Марказий Осиёда қадим замонлардан бошлаб ривож топиб келган. Айниқса, тақвимий билимлар орқали жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётини тартибга солиш узоқ анъаналарга эга эди. Чуқур тарихий анъаналар Ислом даврида янги сифат даражасига етди. Бағдодда Маъмун ибн Хорун ар-Рашид даврида ташкил топган «Байт ул-ҳикма» шарқнинг энг буюк алломаларини шу жумладан, Ўрта осиелик олимларни ўз атрофига тўплаган эди. «Байт ул-ҳикма» ўз даври фан тараққиётини юксак даражага етказибгина қолмай, мумтоз юнон-рим антик даври фанининг реанимациясига ҳам хизмат қилди.

Х аср охири XI аср бошларига келиб Араб халифалиги сиёсий ҳокимиятида таназзулий ҳолатлар кузатилган бир вазиятда анъанавий давлатчилик занжири узоқ асрлар давомида узилмай келган Хоразм бирмунча барқарор ривожланиш палласида эди. Хусусан, Африғийлардан ҳокимиятни олган Маъмунийлар даври бор йўғи 22 йилни ташкил этса-да, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда ўзига хос жўшқин давр бўлди. Айни шу қисқа даврнинг 1004–1017 йиллари орасида шаклланиб, тез суръатлар билан ривожланган «Мажлиси уламо» шарқона «академиячилик»да мисли кўрилмаган илмий салоҳиятни ишга солди. Бу ҳодиса аждодларимиз илмий дунёқараш анъаналарининг кучли илдизларидан далолат эди. Асрлар оша тўпланган илмий тажрибалар ««Бағдод «Байт ул-ҳикма»си анъаналари тарих тақозоси билан Хоразм тупроғида янада юксак поғонага кўтарилди. Хоразм Маъмун Академияси жаҳоний, умумбашарий аҳамиятга эга улкан илмий мерос қолдиришга эришди.

Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Хоразмдаги Маъмун Академиясини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқди ва 1997 йил 11 ноябрда имзо чеккан фармонига биноан Хива шаҳрида Маъмун Академияси қайта ташкил қилинди. Бу воқеа ўзбек халқи маданий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистоннинг таклифи ва ташаббуси билан ЮНЕСКО Маъмун Академияси 1000 йиллигини халқаро микёсда нишонлаш ҳақида қабул қилган қарор ҳамда ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг шунга

мувофиқ қарори асосида юбилейга тараддуд ишлари қизгин давом этмоқда.

Мазкур сана муносабати билан Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси олимлари томонидан тайёрланган илмий-амалий конференция материаллари тўплам сифатида нашр қилинмоқда. Ушбу илмий тўплам тарихимизнинг ҳали ўрганилмаган саҳифаларини очишга ёрдам беради деган умиддамиз.

Тарих фанлари доктори **М.М. ИСҲОҚОВ**
Тарих фанлари номзоди **Ш.Ж. САИДОВ**

ИСҲОҚОВ М.М.
*тарих фанлари доктори,
ТошДШИ*

Абу Райҳон Беруний ва қадимги Хоразм тақвимининг баъзи хусусиятлари

Абу Райҳон Беруний илмий мероси ўз даврининг қомусий билимлари мажмуи сифатида бугун ҳам қимматини йўқотмай келмоқда. Хусусан, бу улкан алломанинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Ал-осор ул-боқия ан ал-қурун ул-ҳолия») асари тарих, этнография ва этнология, тарихий хронология, табиёт, фанда тадқиқот усуллари ва услубиёти-кузатиш, ихтилоф, мунозара, умумлаштириш ва бошқа бир қатор илмий масалаларни назарий жиҳатдан асослашга қаратилган бўлиб, илм аҳли учун мазкур соҳалар бўйича қимматли манба вазифасини ўтамоқда.

Берунийнинг «Осор ул-боқия» асари ҳозирги замон фанида «Хронология» деб шартли ном олгани бежиз эмас. Гап шундаки, олим бу китобини «тарихлар (яъни йил ҳисоблари), уларнинг бошланишлари, шаҳобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида ўшал тарих эгалари бўлмиш халқларнинг ихтилофлари (ҳисобдаги фарқлари) ва бу ихтилофларнинг сабаблари, машҳур байрамлари..., турли юмушлар учун белгиланган кунлари, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган (бошқа) маросимлари» ҳақида эканини таъкидлайди¹.

Шу билан бирга «имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, китоблар ахтармайдиган ва у китоб эгаларини (қайси халққа тегишли эканини) суриштирмайдиган қилиб» ўз китобини ёзишга қарор қилганини айтиб ўтади².

Асарда Беруний вақт бирлиги сифатида кеча ва кундуз, улардан таркиб топувчи ойлар ва йилларнинг моҳиятини, вақт ҳисоби асосларини, бунда турли халқларда шаклланган амали-

¹Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I. – Т.: Фан, 1968. – Б. 40.

² Ўша жойда.

ётни таҳлил этади. Ҳисоблашдаги фаркли жиҳатларни илмий таҳлил этиб, ихтилофларнинг сабабларини изоҳлайди.

Беруний хронологияси ўз даври учун жаҳон миқёсида эришилган даражадан анча юқори деб ҳисоблашга тўла асос бор. Чунки Беруний бирор фикрни ўзича тахминлаб бермайди, балки, албатта салафларининг ва замондошларининг муайян масалага алоқадор илмий фикр-мулоҳазаларига ишорат беради. Баъзан уларнинг фикрларини танқид қилса, баъзан тўлдиради, ривожлантиради. Масалан, «тарихларнинг моҳияти» бобида ҳарфларнинг рақам маъноларидан келиб чиқиб, яҳудийлар ва христианлар ўртасида вақт ҳисобидаги ихтилоф ҳақида тўхталади ва ҳар икки ҳисоб ҳам асосли эмас, деган хулосага келади¹.

Худди шу каби, Беруний ўз даври учун энг комил илмий фикрларга, ҳисоб-тажрибаларга суянган ҳолда эроний халқларнинг вақт ҳисоби, байрамлари ҳақида баҳс юритади. Жумладан, «Эронликлар ойларидаги ҳайитлар ва машҳур кунлар устидаги сўз» деб аталган боб кенг маънода эронийзабон қадимги халқлари, жумладан, қадимги Хоразм халқи амал қилган анъаналар ҳақида қимматли маълумотларга бағишланган. Масалан, ойлар ҳисоби ўн икки бўлиб, ёз фаслининг бошловчиси фарвардин, куз боши-тир, қиш боши-меҳр мох, баҳор боши-дай ойи деб кўрсатар экан, Беруний бу ойларнинг ҳар бирига хос хислатлар, уларга нисбатан эътиқодий муносабатлар ҳақида ёзади. Жумладан, фарвардин ойи бошида Наврўз байрами келиши билан боғлиқ бир қатор ривоятларни келтиради².

Беруний эроний халқларнинг иккинчи ойи Урдобиҳишт ҳақида, унинг учинчи куни байрам қилингани, бу ойнинг рамзий, эътиқодий қадрият сифатида олов ва нур фариштаси сифатида тушунилгани, тандан ва руҳдан иллатларни кетказишга, ёлғонни ростдан айиришга хизмат қилгани ҳақида нақл қилади. Бу ойнинг номи Авесто китобида Арта ваҳишта шаклида келади ва луғавий мазмуни жаннатий, яъни «беҳишти ҳақиқат», демакдир.

Урдобиҳишт ойнининг 26-кунидан то охиригача худо Ахура Мазда ерни яратган кунлар сифатида иккинчи гоҳанбор-байрам ҳисобланган.

¹ Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия. – Б. 51-55.

² Абу Райҳон Беруний. Осор ул-боқия. – Б. 84.

Хурзод моҳ-учинчи ой. Унинг олтинчи куни ва ўн учинчи кунлари байрам қилинган. Айниқса, 13-куни тийр-Сириус юлдузи куни алоҳида хурмат қилиниб, маросимлар ўтказилган. Бу каби маълумотлар шуни кўрсатадики, Беруний хоразмий ва сўғдий тақвимий тушунчалар тизимини зардуштийлик одатлари ва Авесто каби манбаларга таяниб талқин қилган.

«Осор ул-боқия»да Хоразмнинг қадимий тақвими, ой ва кунларнинг зардуштийлик анъанасига мувофиқ тафсилотига алоҳида ўрин берилган.

Мана ўша ой номларининг Беруний қаламига мансуб арабий ҳарфлар билан қилинган транслитерациясидан кўчирма: Новсржи (сўғдча Навсард); Ардвшт (авесточа Арта вахишта); Ҳрвдот (авесточа Хаурватат); Чири (бу ой номининг фонетик шакли авесточа Тиштрия-Сириус юлдузи номи билан алоқадор); Ҳмдад (қадимги хоразмий ёзма ёдгорликларида Ҳмрт шакли ҳам бор), тарихан Хаума-муқаддас ичимлик ва дад «бермоқ» ўзақларидан таркиб топган; Ахшвири – Берунийдаги ҳарфлама шакли. Олтинчи Ойнинг номи. Ёзма ёдгорликларда ахштрувач (ахшривари) – (авесточа хшатраварйа «шаҳриёрлик» «адолатли ҳукмдорлик»); Умри – Беруний келтирган хоразмча еттинчи ойнинг номи (ёзма ёдгорликларда имри), авесточа Мисрахйа, маъбуд Митрага бағишланган ой. Авестода улуғ маъбудлардан бири Митра, ўрта аср ва ҳозирги фонетик шакли – мехр; Йопохван – Беруний матнида хоразмча 8-ой номи. Хоразмий ёзма шакли йапахун Авесточа апваҳ раучах, сўғдча авуҳ руч, сув маъбудига бағишланган; Атру-ару 9-ой номи. Авесточа Athro – олов-оташ; сўғдча 9-ой номи, бошқача – Вуғич, яъни «Худо номига бағишланган ой» (Вуғ, Вағ – «худо»); Хоразмчи Аду исмли ойни Беруний 9-ой ўрнида келтиради. Лекин унга изоҳ бермайди. Ҳолбуки, бу ой номи хоразмийча ёзма ёдгорликларда атру – «оташ, олов ойи» демақдир.

10-ой ёзма хоразмий матнларида римзад (римазд). Унинг авесточаси Dathushu «яратган зот» демақдир. Лекин бу ой Ахура Маздага бағишлангани учун римазд номини Ахурамазда сўзининг оғзаки шакли деб тушуниш мумкин.

11-ойнинг хоразмий ёзма шакли ухуман ('hmn), баъзан 'шми шакли ҳам учрайди. Авесточа Вахауш Манаҳах – эзгу фикр, яхши ният «фариштаси»нинг номи билан боғлиқ.

Нихоят, 12-ой хоразмий матнларида ахшум. Беруний испандормжи шаклида беради. В.А. Лившиц ахшум оёи шаклини халқнинг кундалик тақвимидан олинган параллел ном деб изоҳлайди¹.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Абу Райҳон Берунийнинг тақвимий билимлари шаклланишида Қадимги Хоразмда амал қилган анъанавий зардуштийлик халқ тақвими катта роль ўйнаган.

САИДОВ Ш.Ж.

тарих фанлари номзоди,

ТошДШИ

VIII-XI асрларда Хоразмнинг юксалиши

Хоразм – Жайҳуннинг барча фойдасини
ола билган мамлакат

Истақрий

1. Хоразм – инсоният цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири. Жойлашган ўрнининг ниҳоятда қулайлиги, тупроғининг юқори даражада унумдорлиги, асосий суғориш манбаи – Амударёнинг серсувлиги, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлиги, шимол, жануб, шарқ, ғарбни боғловчи савдо йўли чорраҳасида жойлашганлиги бу ерда ўзига хос маданият ва давлатчиликнинг эртарок шаклланишига ҳамда давомийлигини таъминлаган.

2. Аҳмонийлар Эронига икки асрдан ортиқ давом этган қарамликдан кейин вужудга келган озодлик натижаси ўлароқ, Туркистоннинг бошқа худудлари Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, Кушон салтанати ва кейинчалик Сосонийларнинг иқтисодий, сиёсий таъсирига тушган пайтларда Хоразм бундан ҳоли қолган. Натижада эволюцион, сиёсий-иқтисодий тараққиётнинг минта-

¹ Лившиц В.А. «Зрастрийский» календарь. В кн.: Э. Биккерман. Хронология древнего мира. – М., 1975. – С. 330.

қада барқарорлиги, изчил ва мустақкам иқтисодий пойдевор вужудга келиши таъминланган. Бу жараён айниқса Африғийлар даврида яққол намоён бўлди. Сулола номидан зарб этилган тангаларнинг тарқалиш географияси давлатнинг фаол ташқи иқтисодий, маданий алоқаларидан дарак беради. Хусусан, VIII аср тангаларининг Бухорода амал қилиши, Кавказ худудларидан топилиши бунга етарли асос бўла олади. Хоразм араблар босқини даврида Туркистонда сиёсий етакчилик, босқинчиларга қарши кураш марказига айланиши мумкин эди. Аммо кейинги воқеалар ривожини бунга имкон бермаган.

3. Араблар истилосидан кейин вужудга келган сиёсий вазият натижасида Хоразм амалда иккита сиёсий ва иқтисодий маконга айланди:

1. Амударёнинг ўнг қирғоғи; 2. Амударёнинг чап қирғоғи.

Бутун минтақада Африғийлар ҳукмронлик қилаётган бўлса-да, арабларнинг Хоразмдаги ноиб қароргоҳи жойлашган Урганч (Гурганч, Кўҳна Урганч) тез ривожлана бошлади. VI–IX асрларда Шарқ мамлакатларини, Кавказ, Византия, Хазар ҳоконлиги, Русь, Шарқий Европа билан боғлаган «Буюк Ипак йўли» шимол-ғарбий йўналишининг йирик тармоғи Урганч орқали ўтганлиги, унинг иқтисодий юксалишига имконият яратди. X–XI асрларга келиб шимолий йўналишда савдо-сотик алоқалари шу даражада ривожландики, Устюрт платосида карвонсаройлар, сардобалар, кўрғонлар, қалъаларнинг яхлит тизими вужудга келди. С.П. Толстов буни ҳақли равишда «Хоразмшоҳлар йўли» деб атаган бўлса-да, мазкур атама шу пайтгача илмий муомалада ишлатилмаяпти. Ваҳоланки, мазкур йўл аҳамияти жиҳатидан Аҳмонийларнинг «Шоҳ йўли»дан кам бўлмаган. Шу даврда Хоразмнинг кўчманчилар билан чегарадош шимолий сарҳадларида Хитой деворига ўхшаш улкан ҳимоя деворларининг мавжуд бўлганлигини тадқиқотчилар таъкидлайдилар. Манбаларда Хоразмда VIII асрда 3 та, IX асрда 13 та, X асрда 33 та, XI асрнинг бошларида 40 тагача шаҳар бўлганлиги қайд қилинади.

4. X асрнинг ўрталарига келиб, Хоразмнинг икки мустақил давлатдан – Урганч амирлиги ва Хоразм–Африғийлар давлатидан иборат эди.

Урганч амирлигининг иқтисодий юксалиши, минтақада сиёсий етакчиликни таъминлашга олиб келди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий парокандалик, Африғийларнинг заифлашуви, Урганч амирлигининг қудратли давлатга айланишига шарт-шароит яратди. Ҳатто, бу даврда Хазар ҳоконлигининг Хоразмга қарам бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар тадқиқотчиларнинг асарларида ва тарихий манбаларда учрайди. X–XI асрларда анча кучайган Волга бўйи, Қораденгиз бўйлари томон экспансив сиёсат олиб бораётган Киев Руси давлати ҳам Хоразмнинг сиёсий мавқеи билан ҳисоблашишга мажбур бўлган.

5. 995 йили Урганч амири Маъмун I ибн Муҳаммад Африғийлар сулоласини тугатгач, Хоразм яна ягона, марказлашган давлатга айланди. Бу эса унинг сиёсий, иқтисодий юксалишини янада тезлаштирди.

Маъмунийлар даврида (995–1017) Хоразм Шарқнинг илм-фан, маданият гуллаган марказларидан бирига айланди. Мазкур сулола даврида бутун дунёга машҳур «Мажлиси уламо» («Маъмун академияси») га асос солинди. Маҳмуд Ғазнавийнинг (998–1030) Хоразмга ҳарбий юришларигина ушбу жараёнга чек қўйди. Аммо шуни таъкидлаш ва тан олиш керакки, Маъмунийлар давридаги юксалиш XII–XIII асрларда Шарқнинг энг буюк салтанатига айланган Хоразмшоҳ-Ануштегинлар давлатининг иқтисодий пойдевори вазифасини ўтади.

СҮҮНОВА О.

тарих фанлари номзоди,

ТошДШИ

Абу Райҳон Беруний ва унинг даври ҳақида айрим қайдлар

Абу Райҳон Беруний улкан иқтидор эгаси кенг мушоҳадали, қувваи ҳофизаси кучли шахс бўлган. У даставвал хоразмлик олимлардан кейинчалик улуғ олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таҳсилт олади. Буюк устоз астрономия, математика ва геометрияга оид 12 та асарини Абу Райҳон Берунийга бағишлагани Ибн Ироқнинг шогирдига, унинг салоҳиятига берган юксак баҳоси эди. Ўз навбатида устоз фаннинг мураккаб муаммолари-

га Берунийни шу китоблар орқали янада чуқурроқ олиб кирган. Устоз-шогирд муносабатларидаги бу усул ўз даври таълим усули сифатида алоҳида диққатга сазовордир.

Абу Райҳон Беруний бир қанча тилларни, жумладан, араб, форс, суғд, юнон ва қадимги яҳудий тилларини мукамал билган. Кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганган.

Агар Абу Райҳон Беруний яшаган давр сиёсий воқеаларига назар ташласак, 995 йилда Кат шахри Гурганж амири Маъмун I томонидан бўйсундирилади. Давр тақозоси билан Абу Райҳон Беруний вақтинчалик Рай шахрида яшашга мажбур бўлади. Ноилож шароитда ҳам Беруний ижодий-илмий фаолиятини тўхтатмади. Маъмун I 998 йили вафот этиб, тахтни Али ибн Маъмун эгаллайди. Сиёсий вазият ҳам барқарорлашади. Али ибн Маъмун ўз даври ислом дунёсидаги маданий уйғониш жараёни билан ҳамнафас яшади. Хоразм илмий марказининг дастлабки ташкилий даврида унинг алоҳида хизмати бор. Жумладан, Али ибн Маъмун буюк аллома Абу Наср Ироққа саройга илм билан шуғулланувчи етук олимларни тўплашни, уларга шарт-шароитлар туғдириб беришни топширади. Ибн Ироқнинг таклифи билан Абу Райҳон Беруний 1004 йилнинг бошларида Гурганжга қайтиб келади ва Маъмун Академиясига раҳбарлик қилади.

Абу Райҳон Берунийнинг шундан кейинги ижодида илмий изланишларининг энг сермахсул даври бўлди. 1017 йилга қадар Абу Райҳон Беруний ўнлаб йирик тадқиқотлар яратди. Улар орасида «Хоразмнинг машҳур кишилари» номли асар бўлган. Афсуски, бу муҳим антология бизгача сақланмаган.

1017 йил Хоразм тарихидагина эмас, балки Абу Райҳон Беруний ҳаётида ҳам бурилиш йили бўлди. Ҳазнавий султон Маҳмуд Хоразмни ўзига тобеъ этди. Бу ердаги илмий марказ – «Мажлиси уламо» (ҳозирда шартли равишда «Маъмун Академияси» деб аталган) илмий марказ ҳам пароканда бўлди. Берунийни Султон Маҳмуд Ҳазнада илмий Марказ яратишга жалб этди. Абу Райҳон Беруний бу мураккаб шароитда ҳам ўзининг илмга бўлган саботи ва садоқатини заррача камайтирмади. Ҳазнавийлар ихтиёрида фаолият кўрсатган даврида Беруний «Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» (Геодезия, 1025 й.), «Мунажжимлик санъа-

тидан бошланғич тушунчалар» асари (1029 й.), «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби» (Ҳиндистон, 1030 й.), «Масъуд қонуни» кабиларни яратди.

25 ёшларида ёзган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари илм аҳли томонидан юксак баҳоланган ва ҳозиргача ўз илмий қимматини йўқотмаган.

Абу Райҳон Беруний 152та илмий асар ёзиб қолдирган. Шулардан 30таси бизгача етиб келган. Улар орасида энг йириклари: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асаридир. Бу асар 998–1003 йилларда ёзилган. Беруний бу асарида хоразмликлар, румликлар, эронийлар, сўғдийлар, христианлар, яхудийлар, юнонлар, исломгача бўлган жоҳилия даври араблар ва мусулмонларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари, байрамлари, турли маросимлари, тарихий воқеалар, турли миллат ва динларга оид маълумотлар, тарихий шахслар ва олимлар ҳақида, умуман олганда Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва тарихи, турмуш тарзига оид жуда муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган.

«Геодезия» асарида эса олим денгизлар ва курукликлар назарияси устида ишлаган. Оламнинг глобус харитасини яратган. Табиат ҳодисалари сифатида ҳамма жисмларнинг ер марказига интилиш ҳолати, иссиқлик таъсирида эса барча моддаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қонунини исботлаб берган.

«Ҳиндистон» асарида Ҳиндистоннинг табиати, урф-одатлари, диний ақидалари, фалсафаси тарихи ва адабиёти ҳақида кўплаб маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Райҳон Беруний яшаб ижод этган давр Марказий Осиёда сулолаларнинг алмашуви, янги давлатларнинг пайдо бўлиши, ҳарбий-сиёсий, мураккаб шароитда кечган. Шунга қарамай, Беруний ўзининг ноёб илмий салоҳиятини тўла-тўқис фанга сарфлашни бурч деб тушунди.

АЛИМОВА Р.
тарих фанлари номзоди, ТошДШИ
ЎРОЗБОЕВА Н.
Маъмун Академияси ходими

Беруний қадимги хоразмликлар байрамларининг сабаблари ҳақида

Хоразм – Ўрта Осиёнинг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири. Хоразм аҳолиси узоқ ва ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси бу минтақада тарихий шаброит туфайли устивор бўлган. Географик жойлашувининг алоҳидлиги сабабли Хоразмда урф-одат, анъаналар қадимий асослардан кескин узилмаган. Бу ҳол Хоразм аҳолиси анъаналарини тарихий таҳлил этишни долзарб қилиб қўяди.

Хоразм халқи тарихини, тарихий географиясини, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётининг бошқа соҳаларини, урф-одат мажмуини тадқиқ қилишда буюк ватандошимиз Беруний асарларининг аҳамияти катта.

Хоразм юртининг асл фарзанди, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг бизгача етиб келган география, топонимика, тарих, астрономия, геология, гидрология, геодезия, минералогия, физика, химия, ботаника, фармакология ва бошқа фан соҳаларига бағишланган асарлари орасида унинг «Осор ал-боқия» («Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар») асари бошқа халқлар қатори қадимий Хоразм тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Беруний ўз она тилини, яъни қадимий Хоразм тилини яхши билган, у форс-тожик тилини, суғдий, араб, эски туркий тилини, қадимий ҳинд-санскрит, яҳудий, юнон тилларини мукаммал билган ва бу тиллардаги манбалардан эркин фойдалана олган.

Берунийнинг «Осор ал-боқия» асари Журжонда, мухожирликда юрган даврида ёзила бошланган ва 1000 йилда тамомланган. Европалик олимлар асар билан XIX асрнинг охирларида танишиб, тадқиқ қила бошладилар.

«Осор ал-боқия» тарихий-этнографик асар бўлиб, унда турли халқларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари, маросимлари, урф-одатлари, расм-русумлари, афсоналари хусусида маълумотлар бери-

лади. Берунийнинг хоразмликлар ҳайитлари, яъни байрамлари ҳақида берган маълумотлари, айниқса диққатга сазовордир. У ҳайитларни икки турга ажратади:

1. табиий йил фасллари алмашинувига бағишланган: йил боши байрами, яланғоч бўлиш ва очилиш байрами, гулҳанда исиниш байрами, ёғлик нон ейиш куни, Мина кечаси;

2. диний маросимлар (исломгача) арвоҳлар учун қабрларга овқатлар қўядиган ҳайит ва бошқалар.

Хоразмликлар томонидан янги йилнинг кириб келиши кенг нишонланган. Бу шарқ халқларида, жумладан, эронийлар ва сўғдийлардаги каби йилнинг бошланиши, ойнанинг биринчи куни «Наврўз» байрамига тўғри келади. Бу хоразмликларда **новсоржи** ойнанинг биринчи кунига тўғри келган.

Хоразмликларда ҳар бир ой маълум эзгу ишларни амалга ошириладиган ой ҳисобланган. Жумладан, соғлом ҳаёт, тўкинлик келтирувчи ой сифатида **ардвшт** ойна байрам қилинган. Бу эроний халқларнинг зардуштийлик тасаввури бўйича **орзубахиш** ойдир.

Қадимги ва ўрта асрларда Хоразмда ерга уруғ қадаш, хусусан, кунжут сепиш пайти алоҳида байрам қилинган. Бу байрам **хрвдот** ойнанинг биринчи кунига тўғри келган. Беруний маълумотида кўра, мазкур байрам жоҳилият даврида кун қаттиқ қизиган вақтга тўғри келиб, у **«арижхос чузон»**, яъни «энди кийимдан чиқилади»ган, «ялонғоч бўлиш ва очилиш вақти», яъни енгил кийимга ўтиш деган маънони англатган. Бу вақт 21 майга тўғри келиб жавзо иссиқларининг бошланиши бўлса керак.

Маълумки, хоразмликларда оташ, яъни олов муқаддас саналган. Ҳаво совиб, кузнинг изғиринли кунлари кириб келгач, одамлар «ўтин» йиғиб, олов ёқиб атрофида ўтириб исинишган. Бу байрам **чири** ойнанинг ўн бешинчи кунда нишонланган. Берунийнинг кўрсатишича, **чири** «ўтин» ва «аланга» деган маънони англатган. Беруний даврида бу удум билан боғлиқ байрам ёзнинг ўртасига, яъни **чири** ойнанинг ўн бешинчи кунига тўғри келган. Бу билан қишки фаслга тайёргарлик ишлари ёзнинг ўртасида бошлангани назарда тутилган бўлиши мумкин¹.

¹ Қадимги Хоразмийча чири сўзи авестача тиштрия, ўрта асрларда тийр ойнанинг номи бўлиб, кузнинг ўртасига тўғри келади. «Ўтин ёқиб алангада исиниш» ҳам ўз маъносига эга бўлиб, кун совиш палласига хосдир. Бу ой номи сўздча Тиш-куз ойларида бири (М.Исҳоқов-масъул муҳаррирдан).

Хоразмликлар келаси йил ҳосилининг мўл-кўллигини таъминлаш мақсадида **чири** байрамидан кейин етмиш кун ўтгач кузги буғдой экканлар.

Хоразм ниҳоятда бой худудлардан бўлганлиги учун узок йиллар давомида қўшни давлатлар, қабилаларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Хоразмнинг қулай географик жойлашуви, сув ва қуруқлик карвон йўллари билан таъминланганлиги ҳам бунга сабаб бўлган. Кўчманчи қабилалар қишки захираларини тугатишгач, Хоразмга ҳужум бошлашган. Хоразмнинг ҳукмдорлари куз кириши, ҳавонинг совий бошлаши билан шаҳар четидаги қароргоҳларига кўчишган ва қишни шу ерда ўтказганлар. У ердан туриб мамлакат чегараларини ҳимоя қилиб, босқинчиларнинг ҳужумларини қайтариб турганлар. Шоҳ қиш фаслида кўчманчи чорвадорларнинг ҳужумларидан юртни ҳимоя қилишга бошчилик қилган. Подшоларнинг шаҳардан ташқари чиқиши **ахшрвири** ойининг биринчи куни **фғбрих** деб аталади. Талаффузда бу аслида **фағруба** бўлиб, «шоҳнинг чиқиш вақти» деган маънони англатган ва бу жуда кенг байрам билан нишонланган. Халқ ўз ҳукмдорларини шаҳардан ташқарига тантана билан кузатиб қўйганлар.

Рухлар шарафига худойи қилиниб, қатлама, чўзма (чалпак) тайёрлаб, ис чиқариш зардуштийликдан мерос бўлиб қолган. Бу анъана хоразмликларда ҳам кузатилади. Шунингдек, йилда бир марта «ёғлик нон ейиш куни» сифатида **умри** ойининг биринчи кунини нишонлаганлар, яъни аҳоли шу куни уйларига кириб, олов ёқилган ўчоқлари атрофида йиғилиб ёғлик нон еганлар. Хоразмликлардан фарқли ўлароқ сўғдийлар бу кунда оташхоналарда йиғилиб ун, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат, яъни ҳолвойтар тайёрлаб истеъмол қилганлар.

Хоразмликларнинг одамларни хушёрлик ва эҳтиёткорликка қақирадиган байрамлари ҳам бўлган. Шу мақсадда бевақт содир бўлиши мумкин бўлган ҳар хил воқеа ва ходисаларнинг олдини олиш мақсадида **римжд** ойининг ўн бешинчи кунини **намхб**, яъни, «Мина кечаси» деб атаб, ўша кунлари уйларидан жинларни, ёмон арвоҳларни қувиш, уйларини инс-жинслардан тозалаш мақсадида буғланадиган ва тутатиладиган дорилар ишлатганлар. Байрам қишнинг сўнгги кунларига-ҳаво исий бошлаган, баҳор

нафаси уфуриб турган пайтга тўғри келган. Беруний яшаган даврда эса бу маросим киш фаслининг ярмида ўтказилган. Афтидан, бу сурилиш тақвим ҳисоби билан табиий астрономик вақт ўртасида пайдо бўлган фарқ туфайли юзага келган.

Беруний хоразмликларда олтита диний байрамлар бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Диний байрамлар йилнинг қайси ойлари ва ойларнинг қайси кунларида келганлиги ва уларнинг номланиши ҳақида маълумотлар келтирган.

Йилнинг энг сўнгги **испандормажи** ойининг охириги беш кунда ва ундан кейин келадиган қўшимча беш кунда арвоҳларга атаб мозорларга овқатлар олиб борганлар¹.

Хоразмда тақвимий байрамларга алоҳида эътибор берилган. Улар фаслларнинг алмашуви, ой боши кунлари, қуёш ва ойнинг турли нуқталари каби тақвимий кунларни алоҳида эътибор билан байрам қилганлар. Шу билан бирга байрамларнинг моҳиятига кўра сабабларини ҳам тушунганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Райҳон Беруний қадимий Хоразм байрамларини анъанавий тарзда чуқур билган ва уларнинг моҳиятини хўжалик иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ эканлигини асослаб берган.

СОАТОВА С.

тарих фанлари номзоди,

ТошДШИ

IX–XIII асрларга оид манбалардаги этнографик маълумотларнинг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар

Ўзбек этнологлари мустақиллик йилларида фаннинг кам тадқиқ этилган мавзу ва муаммоларини ўрганиш борасида анчагина ишларни амалга оширдилар. Нашр этилган кўплаб илмий асарларнинг талайгина қисми этнологиянинг турли масалаларига,

¹ Испандормажи ой номи авестача Спента армаити «муқаддас осойишталик» маъносига эга фаришта номи билан боғлиқ. Бу фаришта ерни Ҳимоя қилади. Киш ойларига тўғри келиши эса ернинг «дам олиши»га тўғри келади (М. Исоқов – масъул муҳаррирдан).

хусусан ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенези, маиший турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлари, дини, этнослараро муносабатлар каби мавзуларга оид. Аммо мазкур ишларнинг таҳлили хулосаси шундан иборатки, уларнинг деярли барчаси дада этнографик маълумотларига асосланган ва манбаларга таянилмагани сабабли тавсифий хусусиятга эга.

Айни вақтда тарихий этнографик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг маълум ҳудудлари (масалан, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқалар) доирасида чегараланиб қолди. Негадир сўнгги йилларда Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистон каби тарихий-этнографик ҳудудлар олимлар эътиборидан четда қолди¹. Мустақилликнинг кейинги йилларида Хоразм воҳаси бўйича этнология соҳасида жиддий илмий тадқиқот ишлари бажарилмади. Зеро бу минтақада ҳали кам ўрганилган, аммо ўрганилиши зарур бўлган масалалар кўлами жуда кенг.

Бу борада самарали тадқиқот олиб бориш учун Ўзбекистонда турли даврларда яратилган тарихий манбаларни ўрганиш, чуқур таҳлил этиш ва тадқиқотларда улардан кенг фойдаланиш жуда муҳим ҳисобланади. Албатта бу маълумотлар манбаларнинг ичида сочилиб ётибди. Уларни йиғиб, таҳлил этиб, кейингина этнологик тадқиқотлар учун илмий асосланган фикрларни бериш мумкин.

IX–XIII асрларда яратилган араб, форс ва туркий тилларда битилган бир қатор манбаларда минтақамизда яшаган турли элатлар, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжудлигини биламиз. Хусусан, Аҳмад ибн Вадиҳ ал-Яъқубийнинг «Тарих», Абу-Жафар Муҳаммад ибн ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва ал Мулук», Абу Райҳон Бериунийнинг «Ал-осор ул-бокия ан ал-қурун ул-ҳолия», «Ҳиндистон», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Абу Саид Абдулхай Гардизийнинг «Зайн ул-ахбор», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби асарларида Марказий Осиё халқларининг этник тарихи, турли тарихий босқичлардаги, айниқса исломгача бўлган даврларга оид қимматли маълумотлар муҳим илмий аҳамият

¹ Дониёров А. Ўзбекистон этнографияси тадқиқотчилар наздида. Ўзбекистон тарихи. 2001 й. – № 2. – Б. 44.

касб этади. Бу манбалар ўша даврга тегишли тарихий воқеаларни ёритиб берувчи компиляцион асарларгина эмас, балки Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ минтақаларда яшаган туркийзабон ва бошқа этносларнинг номлари, маданияти, тарихи, хўжалик ҳаёти, урф-одат, эътиқодлари акс эттирилган тарихий-этнографик манбалар ҳамдир.

Биргина Берунийнинг «Осор ал-боқия» асарида Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг кўплаб маросимлари хусусида маълумотлар келтирилиб, бу урф-одат ва расм-русмлар хусусида қуйидагиларни ёзади: «Хоразм аҳли йил ва ойларнинг бошлари хусусида эронликлар билан муҳолифдир. Хоразмликлар билан сўғдийлар расм-русуми бир-бирига яқин»¹лиги...», аммо ўзига хос одатлар мавжудлигини ҳам қайд этади. Беруний асарларида нафақат оилавий маросимлар, балки байрам ва ҳайитларда тайёрланадиган таомлар хусусида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд. Асарда хоразмликлар «...ҳайитларининг иккига бўлиниши; табиий воқеаларга бағишланганлари: йил боши байрами, гулханга исиниш байрами, ёғлиқ нон ёпиш куни»² ҳақида маълумотлар бор. Жумладан, Беруний хоразмликлар ва сўғдийларнинг диний маросимлардаги (исломгача) ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириб, уларнинг қиёсий таҳлилини беради.

Ноёб манбалардан бири ҳисобланган Абу Жафар Муҳаммад ибн ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва ал Мулук» асарида Тохаристон, Сўғд, Фарғона, Шош ва Хоразм ҳудудларида яшаган туркий ва эроний тилли аҳоли ҳақида маълумотлар мавжуд. Хусусан эфталийлар, қарлуқлар, тургашлар, уларнинг айрим урф-одатлари, диний эътиқодлари ҳақида қисқа бўлса-да сўз юритилган³.

Марказий Осиёда яшовчи турли халқларнинг тил ва этник тарихини ўрганган тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк» асари муҳим этнографик маълумотларга бой эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур асарда

¹ Беруний Абу Райҳон. Осор ал-боқия. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – Б. 28-29.

² Беруний Абу Райҳон. Осор ал-боқия. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – Б. 28-29.

³ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т., 2001. – Б. 35-36.

нафақат туркий тилларга оид маълумотлар, балки бу тилда сўзлашувчи қабилалар, элатлар ҳамда уларнинг тил хусусиятлари ҳақида ҳам айрим фикр-мулоҳазалар берилган.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари Қорахонийлар даври ижтимоий тузуми, маданияти, хўжалик ҳаёти, расм-русумлар ва маросимлар баёнини ўзида мужассамлаштирган қомусий асардир. Асар туркийзабон ва Марказий Осиёда яшаётган бошқа халқларнинг XI аср иккинчи ярмигача тарихий даврини ҳар томонлама чуқур ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, бу тарихий манбаларни этнографлар ҳам чуқур ўрганиб, атрофлича таҳлил этган ҳолда дала этнографик маълумотлари қаторида фойдалансалар, олиб борилаётган тадқиқотларимизнинг илмий савияси янада кўтарилган бўлур эди.

МАНСУРОВ Ў.

*тарих фанлари номзоди,
Низомий номидаги ТДПУ*

Суғд қишлоғи ижтимоий ҳаётига доир баъзи мулоҳазалар

Суғд конфедератив давлат тузилмаси VI–VIII аср бошларида Ўзбекистон ҳудудларида давлатчиликнинг ўзига хос бўғини сифатида таракқий этган босқичга кирган эди.

Суғднинг бу даврида кўп укладли мураккаб хўжалик тизими, деҳқончилик маданиятининг юксалиши, шаҳар ҳаёти, хунармандчилик ва савдо-сотик муносабатларининг равнақи кузатилади.

Илк ўрта асрлар умуман олганда, нафақат Суғд учун, балки Марказий Осиёнинг барча минтақалари учун аграр тизимда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кескин бурилиш даври бўлди. Подшолик мулки деб қаралган яхлит мулкчилик шакли мамлакатлар миқёсида майда маҳаллий мулкчилик-заминдорлик шакли билан алмаша бошлади. Подшоликнинг туб моҳиятида мамлакат эгаси мақоми ўзгариб, сиёсий ҳукмронлик хоссаси биринчи ўринга чиқди. Шу сабабли Суғдда Марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида сиёсий барқарор монар-

хиячилик йўналиши эмас, балки маҳаллий ҳокимликларнинг нисбатан мустақиллиги ривожлана бошлади. Натижада Суғднинг VIII аср ўрталаридан бошлаб тарихида подшолик (ихшидлик)нинг марказий бошқарув тизими билан бир қаторда Панч, Кеш, Нахшаб каби қўплаб маҳаллий ҳокимликлари ички автоном ҳуқуқларга эга бўлдилар. Улар Марказий ҳокимиятга бўйсуниб билан баробар, баъзан унга итоатсиз ҳоллари ҳам рўй бериб турган.

Нисбий бошқарув эркинлиги мавжудлиги сабабли маҳаллий ҳокимликлар ўз ички иқтисодий эркинликка ҳам интилганлар. Бу турли вилоятларда уларнинг ҳокимлари томонидан зарб этилган тангаларида ўз аксини топган. Масалан, Самарқанд Марказий ҳокимиятининг MLK (ихшид)лари Вархуман, Тукаспадак, Тархун, Гурак, Тургар тангалари билан бир қаторда Панжикент (Панч), Нахшаб, Кеш каби вилоят тангалари мазкур сиёсий муносабатларнинг яққол мисолидир.

Ёзма ёдгорликларда ҳам Марказий ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни акс эттирувчи далиллар мавжуд. Ҳатто, ушбу поғоналашган олий ҳокимият, маҳаллий ҳукмдорлар ва уларнинг ички ирархияси Панч ҳокимлиги доирасида ҳам аниқ мисолларга эга.

Жумладан, Панч ҳокими Деваштич 708–722 йиллар орасида бир неча йил Марказий ҳокимият – Гўрак подшолигига муҳолифатда бўлган. У ўзини Суғд подшоси Панч ҳукмдори деб атаган. Суғд ҳужжатлардан бир нечаси мавжуд ёки Панч ҳукмдориغا бевосита бўйсунган. Руст ҳокимлигининг ҳукмдори Афарунга йўлланган мактублардир. Улардан иккитаси Деваштичдан бўлиб, вазият тақозоси билан бир сафар олий сифатлашлар билан улуғлаш, бошқа бир сафар худди худди шу Афарунга нисбатан жиддий таъналар, дўк-пўписалар руҳида хат ёзади (Муғ тоғи суғд ҳужжатларидан В-17, В-18).

Юқорида келтирилган фикрлар Суғднинг ўрта ва юқори оқим Зарафшон воҳасидан ҳамда Қашқадарё ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб вилоятларидан иборат эканини кўрсатади. Бу ҳудудларда амал қилган умумсуғд конфедератив сиёсий муносабатларни Бухоро суғди учун татбиқ этиш қийин. Чунки илк ўрта асрларда Бухоро-Ғарбий Суғд Самарқанд Суғди билан конфедератив

типдаги «Марказ-вилоят» тобелик муносабатида эмас, балки тарихий анъанага кўра мустақил ҳукмдорлик сифатида қаралар эди. Шу сабаблидирки, Наршахий ўзининг «Тарихи Бухоро» асарида Бухоро ҳукмдорларининг сулолавий тарихини Самарқанд суғдига боғлаб кўрсатмаган. Бошқа жихатдан эса, Бухоро «Подшолик» мартабасини эмас, *ғув қава*, яъни «қудратли ҳоким» мартабасини олганлар. Уларнинг тангаларида ҳукмдорлик мартабаси *Бухар хуб қава* «Бухоронинг қудратли ҳукмдори» шаклида келади. *Қава* кўринишидаги улуғлаш шакли қадимий бўлиб, Авестодаги Кави-шоҳлик мартабаси номининг давомида туради. Лекин нега Бухоронинг қадимги ҳукмдорлари подшоҳ атамаси бўлмиш «ихшид» сўзидан фойдаланишмаган, деган савол туғилади. Бизнингча, Бухоро минтақаси анъанавий тасаввурга кўра Суғднинг ғарбий қисим экани тарихий хотира сифатида ҳали унутилмаган. Бухоро Суғди ҳокимиятининг мустақил хусусияти эса илк ўрта асрларда бу минтақанинг сиёсий-иқтисодий барқарорлиги билан, қолаверса, Самарқанд Суғди ўзининг ички ташвишларидан ортиб, Бухорони ҳам конфедератив тобеликда тутиш имконига эга бўлмагани билан боғлиқдир. Шу сабабли Бухоро-Ғарбий Суғд ҳам Самарқанд Суғди каби ўз марказий ва маҳаллий ҳокимликлари тизимига эга бўлган.

БОБОЁРОВ Ғ.

тарих фанлари номзоди

Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида туркий халқлар тарихининг ёритилишига доир

Замондош ўлароқ деярли яқин даврларда яшаган марказий осиелик буюк алломалар Абу Райҳон Беруний (973–1048) ва Маҳмуд Кошғарийлар (XI аср иккинчи ярми) ўз асарларида минтақа тарихи учун қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган. Хусусан, уларнинг асарларида Марказий Осиё туркий халқлари тарихига доир келтирилган маълумотлар ўз даврининг бошқа манбаларида учрамаслиги ва ўзаро бир-бирига ҳамоҳанглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунга мисол тариқасида қуйидагича баъзи маълумотларни келтириш мумкин:

- Беруний «тош сўзи [асли] туркча исм бўлиб, Шош шаклини олган. Тошканд – тошли кишлоқ демакдир»; «Самарқанд – туркийчаси Семизканд, яъни семиз шаҳар» деб ёзса, Кошғарий «Самарқанд – Семизканд, Тошканд – Шош, Ўзканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир» деб таъкидлайди;

- Беруний Маздурон (Хуросондаги жой)ни – Марзи Турон «турклар чегараси» тарзида изоҳласа, Кошғарий – Қазвин, Қум, Марв аш-Шоҳижон (Хуросон ва унга яқин жойлар) каби шаҳарларни баъзилар турклар чегараси ҳисоблашини қайд этади;

- Беруний Кашмирда ва атрофларида турклар яшашини таъкидласа, Кошғарий «Кашмир – турк элларида бир шаҳарнинг номи» деб ёзади;

- Беруний келтирган «улар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковус Хоразмга келишидан, Кайхусрав ва унинг наслининг Хоразмда подшоҳлик қилишидан тарих оладилар. Шу вақтда Кайхусрав Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари [устидан] ҳукмронлик юргизган эди» мазмундаги маълумотда эроний қавмлар Хоразмга келгунга қадар бу ер аҳолисини туркийлар ташкил этганлигига ишорани кўрсак, Кошғарийда ҳам шунга яқинроқ маълумотга дуч келамиз, яъни; «Самарқанд – Семизканд, Тошканд – Шош, Ўзканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир. Канд сўзи туркча шаҳар демакдир. Улар бу шаҳарларни курдилар ва шундай ном қўйдилар. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган»;

- Беруний Бухоро воҳасидаги Бойканд (Пойкенд) шаҳри Дазруйин номи билан машҳурлигини ёзади. Кошғарий эса «баъзилар бутун Мовароуннаҳрни турклар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Ёанкандан бошланади. Унинг бир оти Дизруйиндир. У сариқлигига кўра, мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир» деб таъкидлайди. Бу ерда диққатни тортадиган яна бир хусус, «Девону луғоти-т-турк» таржималарида Ёанканд шаклида берилаётган жой номи аслида Байканд (Пойкенд) бўлиб, бизнингча у асарни кўчирган хаттотлар нуқтани янглиш қўйганликлари сабабли шундай кўриниш олган бўлиши керак.

Кўриниб турибдики, иккала буюк алломанинг ҳам фикрлари бир-бирига кўп жихатдан уйғун келади. Чунончи, уларнинг Самарқанд номига берган таърифлари диққатни ўзига тортади. Агар мантикий ёндашиладиган бўлса, Самарқанд сўзи туркийми ёки эронийми, бундан қатъи назар ўша даврда, яъни X–XI асрларда туркий аҳоли томонидан ушбу шаҳар Семирқанд/Семизқанд шаклида ҳам юритилгани маълум бўлади. Бундан ташқари, мазкур маълумотлар ўша даврда Самарқанд аҳолисининг бир қисмини туркийлар ташкил қилганини ва аҳоли ўртасида шундай талқин мавжуд бўлганидан дарак беради.

Беруний ва Кошғарий асарлари устида тадқиқот олиб борган шарқшунос олимлардан И.Ю. Крачковский, С. Волин, Ш. Улкуташир, Ҳ. Ҳасановлар улар асарларидаги маълумотларнинг ўхшашлиги, Кошғарийнинг географик номларни Берунийдан олганлигини ёки унинг таъсирида бўлганлигини таъкидлайдилар. Биз ҳам мазкур тадқиқотчиларнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, Беруний ва Кошғарий яшаган даврда Марказий Осиёнинг катта бир қисмини ва минтақага тугаш ўлкаларнинг муҳим бир қисмини туркий халқлар ташкил этганлар ва бу ҳолат уларнинг асарларида ўз аксини топган.

ИСҲОҚОВ М.М.

т.ф.д., профессор, ТошДШИ

ҚОДИРОВА Д.

т.ф.н., доцент

Парфия даврига оид адабиёт намуналари ва тарих

Ўрта босқич эроний адабиёт доирасига парфиёний, пахлавий, сўғдий, хоразмий, бохтарий адабиётлар киради. Бу давр қадимги Эрон салтанати (ахамонийлар)дан кейин бошланиб, араб истилосигача давом этган. Истисно тариқасида парфиёний адабиёт милодий III–IV асрлардан бошлаб ўз ўрнини пахлавий ўрта форс адабиётига бўшатиб бера бошлаган. Бохтарий адабиёти даври эса қушонлар даври билан боғлиқ тугаган. Сўғд адабиёти мазкур адабиётлар орасида энг узоқ яшаган. Сўғдлар орасида то IX асрга қадар дostonчилик (Рустам дostonидан бир пар-

часи етиб келган), диний, фалсафий-ахлоқий (буддавий, монийча, христиан-диний) адабиёт намуналари етиб келган.

Парфиёний адабиёт намуналаридан милоддан аввалги III–II, милодий I–III аср воқеалари акс этган икки парча ҳақида баъзи мулоҳазаларни ўртага қўямиз.

Маълумки, македониялик Александр вафотидан кейин шарқий ўлкаларга унинг сафдошларидан бири Салавк ҳукмдор бўлди (мил. авв. 312 йил). Орадан 60 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Парфия Салавк салтанатидан ажралиб чиқди. Бактрия ҳам шу йўлдан борди. Натижада Парфияда Антиох, Бактрияда Диодот бошчилигида янги давлатлар пайдо бўлди. Тез орада Парфияда ҳокимият маҳаллий аршакийлар қўлига ўтди. Бу ўлка маданий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Эллилашув ўзининг сиёсий заминидан ажралгач, аста-секин қадимий маданий-маънавий илдишлар уйғона бошлади. Айни шу жараён оқибатида қадимий дostonлар, ривоятлар, тарихий бўёқларида ҳақиқий воқеаларнинг аниқ излари бўлган асарлар пайдо бўлди. Масалан, парфиёний адабий асарнинг бир парчасида оммавий равишда жангга хозирлик кўришга чақирик жаранглайди.

*Ўн ёшдан саксонгача
Уйда қолмасин ҳеч ким.
Отлиқлар оти билан,
Филлари билан филбон
Душманга қарши сафлан,
Қанғарин қўшин карвон!
Жангчи олсин болтасин
Болта, чопқи кўп бўлсин,
Найзалар ҳам мўл бўлсин!
Кўп бўлсин садоқ, ўқдон,
Кўплаб ярқироқ қалқон
Қалқонки, тўрт қабатли-
Зирҳи ўта мустаҳкам.*

Ушбу парчада жангга ялпи тайёрланиш, ватан ҳимояси учун сафланиш, шай туришга даъват руҳи яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга жангда фойдаланилган қурол-аслаҳа-жанг араваси (қанғар), болта, чопқи, найза, ўқ, ўқдон, қалқон кабилар ҳақида гап борадики, парчани ўқиган киши кўз ўнгида 2000 йил аввал содир бўлган жанглар шиддати намоён бўлади.

Иккинчи бир парфийёний адабий парча ўзининг инсон руҳига таъсирчанлиги, анъанавий туйғуларимизга уйғунлиги билан ғоят кимматли. Унда жангда ҳалок бўлган ота устида фарзанднинг оху нола айтиб йиғлаш манзараси акс этган. Жангчи йигит Баставар кизғин жанг сўқиш палласида ҳалок бўлган отасининг жасадини кўриб қолади. Ўзини душманлардан ҳимоя қилган ҳолда отаси устида чарх уриб отда айланаётиб бундай йиғи солади:

*Суянчиму таянчим отам
Жонингдан сени ким жудо қилди?
Паҳлавоним, отажоним,
Совутингни ким олди?
Эсиз, паҳлавоним отам,
Танангдан қонинг тўкиб,
Семурғ қушидек парвозли
Тулпорингни ким олди?
Сўқиш, жангга ташнайдинг,
Юрт гамига ошнайдинг.
Эсиз, ётибсан бежон
Тупроқ узра отажон
Соч-соқолинг ел ўйнаб
Хор этибди ёв сени.
Юз-кўзингни чанг босиб
Ётибсан бунда бежон
Шуми сенга муносиб?!
Оҳ, отажон, қошқийди,
Тушиб бедов устидан
Юзинг чангдан покласам.
Тананг бағримга босиб
Сўнгни бор қучоқласам.
Лекин афсуски, қайтиб
Отимга минолмайман
Чунки ёв тутар мени,
Тутқунга чидолмайман.*

Ушбу парча айни қайси тарихий жанг билан боғлиқ эканини билиш қийин. Лекин бу ўринда биз учун муҳими, Парфиянинг ҳарбий-сиёсий тарихини ўзида яққол акс эттирган. Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Бу ҳам бўлса, аждодларимиз адабиётида

ушбу матн қадимий марсия жанри юксак анъанага эга эканлигини кўрсатади. Тарихий жиҳатдан эса, адабиёт реал воқеа-ҳодисаларнинг бадиий ифодасидир.

ФАЙЗИЕВ Х.

ТошДШИ ўқитувчиси

Шоҳрух Мирзо сиёсатида Хоразм масаласи

Шоҳрух Мирзо (1377–1447) 1409 йилга келиб салтанатнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон қисмини қайта бирлаштириб, ўзаро низоларга барҳам берди. Бироқ, Олтин Ўрданинг таъсирида бўлган Хоразм бундан мустасно эди.

Эндиликда Шоҳрух Мирзонинг олдида давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, салтанат назоратидан чиққан вилоятларни ўз тасурруфига киритиш, шунингдек ташқи сиёсатда temuрийлар мавқеини оширишдек муҳим, шу билан бирга ўта нозик масала турарди.

Амир Темур (1336-1405) вафотидан сўнг Олтин Ўрда ҳукмдори Шодихоннинг амирул умароси бўлган амир Идикунинг ҳаракати туфайли мазкур давлат қайтадан ўз қаддини тиклай бошлаганди. Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, 1406 йилда temuрийларнинг ўзаро келишмовчиликларидан фойдаланган Идику Хоразмни босиб олиб, у ерга амир Анкони ҳоким қилади¹. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳр масаласини ҳал этган Шоҳрух Мирзонинг Хоразм йўналишидаги фаолияти амир Идику билан боғлиқ бўлиб қолган эди.

1409 йилда Шодихоннинг вафотидан сўнг Олтин Ўрда тахтига ўтирган Пўладхон амир Идику кўлидаги кўғирчоқ хонга айланди. Идику Хоразмда ишончли одами бўлишини таъминлаш мақсадида у ердан Анкони чақириб олиб, ўз мулозими Бағалжани ҳоким қилиб тайинлайди². Манбаларда ёзилишича, бу даврида Идикунинг сиёсий мавқеи шу даражага етдики, ҳатто

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бафрайн /Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изофли луғатлар А.Ўринбоевники. – Т., 1969. – Б. 179.

² Ўша асар. – Б. 180.

Пўладхон билан бир қаторга қўйилиб, Дашти Қипчоқда ҳокимият эгаларидан ҳисобланган.

Улуғбек Мирзо (1394–1449)ни Мовароуннахрга ноиб қилиб¹ тайинлаган Шохрух Мирзо Ҳиротга қайтади. Шу йили пойтахт Ҳиротга Олтин Ўрда хони Пўладхон ва амир Идикудан Шохрух Мирзо хузурига элчилар келди. Шохрух Мирзо элчиларни ўша замон дипломатиясининг барча қоидаларига мувофиқ қабул қилган². Яъни Шохрух Мирзо Хоразмни босиб олган ҳукмдор элчиларини яхши кутиб олиб, гўёки Хоразм масаласини эсидан чиқариб, қўшнилари билан тинчликда яшашга ҳаракат қилаётгандай кўринарди. Бироқ, у бу ишни муносиб фурсатни қўлга киритиш учунгина қилди. Шохрух Мирзонинг кўзлаган мақсади душманни ғафлатда қолдириб вақтдан ютиш эди. Бинобарин, Олтин Ўрда билан очиқ зиддиятга бориш темурийларга катта хавф туғдирарди. Бундай дейишимизга сабаб бу даврда Шохрух Мирзо гарчи сулолавий жанжалларни нисбатан бостирган бўлса-да, улкан салтанатнинг айрим ҳудудларида марказий ҳокимиятга қарши исён кўтарилиб турган эди. Бундан ташқари ғарбда темурийларнинг душмани бўлган Қора Юсуф Шохрух Мирзога катта хавф туғдирарди. Сиёсатда шошқолоқлик қилиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини билган Шохрух Мирзо вақти келганда ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шохрух Мирзо Дашти Қипчоққа Пўладхон ва амир Идику элчиларига қўшиб амир Ҳасан бошчилигида ўз элчиларини юборди. Мазкур элчилик орқали ўз ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога амир Идикунинг қизини сурайди. Фасих Хавофийнинг Мужмали Фасихий номли асарида ёзилишича, Шохрух Мирзонинг сўрови ижобий ҳал бўлиб, Идикунинг Хоним номли қизи Ҳиротга юборилади³. Орадан икки йил ўтиб, Шохрух Мирзонинг Дашти Қипчоқ ҳукуматига қўллаган сиёсатида туб бурилиш ясалди. Бунинг сабаби қуйидагича. 1410–1411 йил баҳорида Бодхез мавзеида бўлган Шохрух Мирзонинг хузурига амир Ҳасан элчилигидан сўнг Дашти Қипчоққа юборилган Абоко тавочи келиб,

¹ Ўша асар. – Б. 135.

² Ўша асар. – Б. 139.

³ Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой. Т. Фан 1980.- С. 154

амир Идикунинг Шоҳрух Мирзога юборган совға-саломларини ва унинг жавоб мактубини топширади. Мазкур мактубда амир Идику Шоҳрух Мирзони олий ҳукмдор сифатида тан олганлиги ва бўйсунушга тайёр эканлигини изҳор этган эди. Айёр амир Идикунинг бундай тўхтамга келиши бежиз эмасди. Чунки ўша 1410 йилда Пўладхон вафот этиб, унинг ўрнига тахтга Темур Қутлуғнинг ўғли Темурхон ўтиради. Шу кундан эътиборан амир Идикудан омад юз ўгира бошлайди. Чунки тахтга чиққан чингизий Темурхон амир Идику билан чиқиша олмайди. Амир Идику билан Темурхон ўртасида бўлиб ўтган жанг Идикунинг Хоразмга қочиши билан яқунланди. Бироқ, тақдир Темурхонга ҳам кулиб боқмайди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Темурхон Тўхтамишнинг ўғли Жалолиддин Султондан енгилиб Хоразмга қочади. Лекин у Хоразмда Жалолиддин Султон тарафдорлари томонидан қатл этилади¹. Амир Идику эса Жалолиддин Султон ҳокимиятини тан олиб унга бўйсунди.

Дашти Қипчоқ ҳукмдорлари ўртасидаги ўзаро курашларнинг кучайиши, шимолда бўлаётган сиёсий воқеаларни диққат билан кузатиб турган Шоҳрух Мирзо учун аини муддао бўлиб, қўлдан кетган Хоразмни босқинчилар исканжасидан озод этиш учун кулай шароит туғилган эди. Шундай қилиб, 1412 йили Шоҳрух Мирзо амир Алико ва амир Илёсхўжаларни қўшинга бош қилиб Хоразмга юборади. Улар ўзларига юклатилган вазифани уддалай олмайдилар. Чунки Хоразм аёнлари ичида ҳокимиятни темурийлар бошқарувига тинч йўл билан топширишга тарафдорлар кўп бўлса-да, амир Алико ва амир Илёсхўжаларнинг Хоразм масаласига эҳтиётсизлик билан ёндашишлари хоразмликларнинг таҳликага солиб, темурийлар қўшинига қарши курашларига замин яратди. Бу эса темурийларнинг Хоразмни эгаллаш учун олиб борган курашларида кутилган натижани бермади. Шундан сўнг Шоҳрух Мирзо Хоразм масаласини Амир Саййид Али тархонга ва тажрибали саркарда амир Шоҳмаликка топширади. Бу даврда Хоразм ҳокими амир Идикунинг ўғли Муборакшоҳ ҳукуматига нисбатан норозиликлар кучайганди. Ташқаридан темурийларнинг қўшини келаётганлиги, ичкарида юзага

¹ Матлаи саъдайн. Б. 180.

келгаётган норозиликлар Муборакшоҳни жиддий таҳликага солди. Қийин вазиятда қолган Муборакшоҳ Хоразмни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шоҳрух Мирзо томонидан юборилган амирларни Хоразм саййидлари, уламо ва аъёнлар совға-саломлар билан кутиб олади¹.

Шоҳрух Мирзонинг мавжуд сиёсий аҳволга тўғри баҳо бера олиши ва қулай сиёсий вазиятдан фойдалана билиши натижасида Хоразм худуди ортиқча қон тўкилишисиз Олтин Ўрда исканжасидан озод бўлиб, темурийлар салтанати таркибига қайтарилишига олиб келди.

ЗОКИРОВ Ш.

ТДПУ ўқитувчиси

Муншаот жанри тарихидан (Суғд муншаоти мисолида)

Суғдшуносликда мактуб жанрига оид матнлар фанда ўтган XX асрнинг бошларидан маълум. Хусусан, 1904 йилда Шарқий Туркистондан 9 дона суғдча мактуб топилиши муносабати билан бир неча муҳим тадқиқотлар ҳам вужудга келди. Айниқса, немис олими Х. Райхельт томонидан 1928 йили суғдча мактублар «Эски хатлар» номи остида эълон қилинган, бу ноёб ёдгорликларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлди. Шундан кейин В.Б. Хеннинг «Эски хатлар»нинг тил хусусияти, ёзилган санаси ҳақида муҳим тадқиқотлар эълон қилди. Унинг «Эски хатларнинг санаси ҳақида» номли мақоласи бу хатлар ёзилган тарихий шароитлар ҳақида аниқ тасаввурлар берди. В.Б. Хеннинг асослаб кўрсатишича, «Эски хатлар» милодий IV асрнинг бошларида аниқроғи, 313–317 йилларда ёзилган (W.B. Henning. The date of Ancient Letters. BSOAS 1948).

«Эски хатлар» суғдларнинг хат ёзиш, хатларнинг матнини тузиш усуллари ҳақида дастлабки гувоҳлик эди.

Суғд мактуботининг яна бир катта гуруҳи 1932–1933 йилларда топилган «Муғ тоғи суғд хужжатлари» номли архивдир.

¹ Муджмал-и Фасихи. С.164. Матлаи саъдайн. Б. 182.

Панч ҳокимлигига тегишли VII аср охири VIII аср бошларига оид бу архивда 20 дан ортиқ мактуб намуналари етиб келган.

Мактуб матнини тузиш усули суғдларда жуда такомиллашган. Аввало мактублар кириш-бошлов маъносида ишлатилган доимий жумлалардан бошланган. Бунинг ифода шакллари, услубий хусусиятлари ҳар хил. Қуйи мартаба ва мавқедаги одам юқори даражали одамга мактуб ёзса, жуда сертакаллуф тил услубларидан фойдаланган. Масалан, Панч ҳокими Самарқанд ҳукмдори ва суғд подшоси Деваштичга хат ёзганда «Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичга» деб қўя қолмай хат муаллифи Фатуфарн ўз хожаси Деваштични «Буюк таянчимиз» деб атайти. Ўзини эса «миллионинчи даражали кул» деб таърифлайди. Шу билан бирга хат матнини тузишда мато лавҳасининг бурчагида очиқ жой қолдиради. Бу бўш жой найча қилиб ўралгандан сўнг чизимча билан боғлаш ва муҳр қўйишга мўлжалланган.

Муғ тоғи суғд ҳужжатлари орасида Деваштичининг қуйи мансабли кишиларга ёзган мактублари ҳам бор. Уларнинг ҳам матн ташкил қилиш усуллари юқоридаги сингари бўлган. Лекин хатда жўнатилган одамнинг даражасига лойиқ услуб ишлатилган. Масалан А-18 ракамли ҳужжатда.

«Фрамандар Утт жанобларига Салом» деган бошлов берилган. Бу юқоридаги «таянчимиз милионинчи даражали кулингиз фалончадан...» каби формула-бошловидан фарқлидир.

Қадимги суғд мактубот жанрининг классик намунаси «Эски хатлар»даги 3-мактубда учрайди. Унда суғд савдогари Нанедотнинг чўриси Меванча исмли қиз узоқ Дунхуандан Самарқандга - онаси Чатисага ёзган мактуби «Узоқ Самарқанд шаҳрида яшаб турган онам Чатисага Друан-Дунхуанда азоб-уқубатда, айрилиқ азобида юрган бахти қаро қизингиз Меванчадан» деб бошланади.

Бу каби бошловларнинг доимий ва шартли шакллари 2 минг йил атрофида аждодларимизнинг хат ёзиш-мактуботчилик анъанаси юксак даражада бўлганини кўрсатади.

ИСҲОҚОВ М.
т.ф.д., профессор, ТошДШИ
ЗОКИРОВ Ш.
ТДПУ катта ўқитувчиси

Абу Райҳон Берунийнинг тарих фани методи ва методологияси ҳақидаги фикрлари

Абу Райҳон Беруний жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс даражада ҳисса қўшган буюк қомусий олим эди. Бу улуғ инсон ўзи яшаган давргача шарқу ғарб дунёсида яратилган илмий билимлар ва амалий тажрибаларни шунчаки ўзлаштирибгина қолмай, уларни янги поғонага олиб чиқишга қодир бўлди. Берунийнинг илмий мероси юнон, рим, арабу аҷам, хинду хитой илм фани ютуқларини таҳлил ва танқид қилиш асосида ҳар бир муаммога нисбатан олимнинг ўз мустақил муносабати ва хулосалари мажмуидир. Шу сабабли Беруний асарлари ҳозирга қадар ўзининг илмий қимматини йўқотмаган.

Абу Райҳон Беруний улкан олимгина бўлиб қолмай, фан ташкилотчиси сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирган. Унинг илмий ташкилий фаолияти, айниқса, Маъмун Академияси номи билан машҳур бўлган «Мажлиси уламо»да хизмат қилган пайтида яққол намоён бўлди. 1004-1017 йиллар орасида Беруний Хоразмда Маъмунийлар сулоласи билан яқин муносабатларда бўлган. Ниҳоят, 1009 йилдан бошлаб Гурганждаги илмий марказга раҳномалик қилган.

Беруний илмий меросининг катта қисми бизгача етиб келмаган. Унинг 300 дан ортиқ асарлари бўлган. Улардан ўндан биригина сақланган. Кўплаб йўқолган асарларининг номлари унинг ўзи ва издошлари тузган фихрист (библиографик рўйхат)ларда сақланган. Лекин бизгача етиб келган асарларининг ўзиёқ олим салоҳиятининг беқиёслигига ишончли гувоҳдир.

Абу Райҳон Беруний шуғулланмаган фан соҳаси қолмаган. Ҳамма соҳаларда ҳам унинг билимлари нақадар кенг ва чуқур, илмий таҳлиллари кучли ва асосли, хулосалари янги бўлган. Бу хусусиятлар Берунийда қадимги даврлардан юнон-рим ва шарқ энциклопедизмининг юксак намунаси мужассамлигидан далолат эди.

Беруний тарих, адабиёт, этнография ва бошқа соҳаларда ҳам улкан асарлар яратган. Афсуски, фихристларда номи қайд этилган кўплаб ижтимоий-гуманитар, хусусан, тарихга оид асарлари бизгача етиб келмаган. Аммо Беруний тарих билан кизиққан пайтида бир муаммо мавжудлигини чуқур англаган. У ҳам бўлса турли халқларнинг тарихларида вақт ҳисобидаги тафовутлар, уларни мақбул тарзда мувофиқлаштириш масаласи эди. Чиндан ҳам хотиравий тарихлардан бошлаб вақт ҳисоби чалкашликлари у ёки бу воқеа-ҳодисанинг бўлиб ўтган вақтини аниқлаш имконини бермас эди. Бу аҳвол тарихни замон ва шароитдан узилиб қолишга олиб келарди. Бу ҳақда Берунийнинг ўзи ёзади: «Адиблардан бири мендан (турли) халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари, шаҳобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва уларнинг сабаблари ва машҳур байрамлар ва турли вақтлар ва турли юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа маросимлар ҳақида сўради...»¹.

Ушбу масала юзасидан сўраган кишига жавоб бериш ҳақида ўйлаб кўрган Абу Райҳон Беруний хронология ҳақида махсус катта асар яратишга бел боғлади. Бу пайтда у қадимги Гиркания, ўрта асрларда Журжон ҳокимлиги (ҳозирги Эроннинг шимоли, Каспий денгизининг жанубида жойлашган Гилён вилояти) ҳукмдори Қобус ибн Вашимгир хизматида эди. Зиммасига олган вазифанинг мушкуллигини салмоқлагач, Беруний (у ҳали 25 ёшга етмаган эди) биринчи галда иш усули ва услубиятини белгилаб олиш зарурлигини англаб етади. Чунки у ўзигача маълум халқлар ва элатлардаги тарихларни, яъни вақт ҳисоби анъаналарини қиёсий ўрганиши лозим эди. Шу билан бирга уларнинг умумий маҳражга келтириш тафовутларни ҳисоблашда «шакшубҳани бутунлай ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчи»дир. Берунийнинг бу сўзлари тадқиқот объектини турли манбалардан билиш, қиёс қилиш билан бирга бевосита тажрибали ёндошув усулига қатъий амал қилишга даъват этади. Хусусан, тақвимий тарихларни, хронологик маълумотларни тадқиқ этишда у ёки бу

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968. – Б. 40.

анъаналарни уларга амал қилувчилар даражасида ишонч билан билиш талабини олға суради.

Масала устида иш усулига келганда Беруний аниқ ва лўнда қилиб рост маълумотларни уйдирма, ёлғондан ажратиш, ривоят ва хабарларнинг тадқиқ этилаётган пайтга яқинроқ машхурини танлаш, сўнгра яқинроқ ва машхурроғини бирин-кетин олишни тавсия қилади. Ахборот тўплашда ахборот эгаларидан маълумот олишни уларнинг тузатиш мумкинларини тузатиш, тўғрилларини ўз ҳолича ишлатиш йўлини ўргатади. «Шунда, - деб ёзади Беруний, - келтирилган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиши учун йўловчи бўлади».

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Беруний илмий холислик, маълумотларни синалганлиги, уларнинг манба асослари ишончилиги, таҳлил ва ақлий хулосалардан ташқари тажрибавий (экспериментал) таъминланганлиги каби илмий методик ҳамда методологик тамойилларга суяниб иш олиб борган. Шу туфайлидирки, Беруний илмий мулоҳаза ва фикрлари баёнида, танқидий қарашларида қатъий, ҳатто араб тилли илмий баён услубида баъзан муросасиз оҳангларда кескин ифодалар қўллайди. Бу хислат олимнинг ибратомуз холислигидан далолатдир.

МАМАРАХИМОВА Б.И.

*«Марказий Осиё халқлари тарихи»
кафедраси ўқитувчиси, ТошДШИ*

О практическом применении меры объема капич в хорезмийских и согдийских документах

Кафч (капич, капч, кафиз) как основная мера объема для сыпучих и жидких тел в раннесредневековом Согде очень часто встречается в письменных документах хозяйственного содержания из замка на горе Муг в Верхнем Зарафшане. Он состоял из двух малых кафчей (капчак), которые, в свою очередь, делились на нимкачак – половину малого капича, равного, вероятно, чет-

верти целого капича (большого), тогда как малый капич был половиной целого.

Величина капича в Согде начала VIII в. установлена исследователями лишь приблизительно. Данные арабских источников относительно размеров кафиза (араб и ср.-перс. капич) в отдельных областях весьма разноречивы, да и относятся они к более позднему времени. Следует отметить, что в мугских хозяйственных текстах, фиксирующих поступления пшеницы и вина, количество этих продуктов, приносимых одним лицом, не превышает 5 кафчей (док. Б-9). На этом основании исследователи (В.А.Лившиц, М.М.Исхаков) предполагают, что один кафч составляет около 8 кг зерна или 10 л вина (жидкости), считая, что ноша одного человека не превышает 40-50 кг.

Согдийские документы с горы Муг представляют собой остатки архива канцелярии, принадлежащего правителю Панчского владения Согда Деваштичу и письма его приближенных лиц. Они позволяют представить картину экономической жизни Согда этого периода. Так, согласно документу В-4 (договор об аренде трех мельниц), устанавливается арендная плата в количестве 460 кафчей муки (3680кг) в течение года. В документах А-18, А-2, А-3, Б-13 по приказу царя в качестве меры по социальной защите населения голодным людям выдано в общем количестве 900 капичей зерна (7200 кг).

О поступлении и расходах зерновых культур (пшеницы, ячменя, проса) говорится в хозяйственных документах из архива фрамандара Утта, где приводится подробный перечень их количества. Например, в документе Б-10 сообщается о доставке 202 капичей пшеницы, в документе Б-2 – о 23 малых и 6 полных капичах, в Б-5 – о 40 капичах зерна и т.д. Упомянутые зерновые культуры свидетельствуют о практическом применении капича как меры объема в Самаркандском Согде.

Сведения о смысловом содержании слова «кафч, капчик» приводит М.М.Исхаков: «словом «кепчик» в узбекском языке называли ситообразную посуду, состоящую из деревянного бортика с натянутой кожей. Она использовалась для измерения зерна, при этом его провеивали на ветру».

Если принять размер капича, равный 8 кг, то он окажется наиболее близким к хорезмийскому кафизу. Это наглядно прослеживается при изучении находок из памятника Хумбузтепе в Южном Хорезме (на левом берегу Амударьи. В 17 км от г. Хазараспа). В северной части поселения среди керамического отвала найден фрагмент стенок сосуда с надписью чернилами на обеих сторонах. Предварительный анализ надписи выполнен В.А.Лившицем. Текст на обеих сторонах черепка – остракон, а не надпись на целом сосуде, что имеет важное значение – до сих пор хорезмийские остраки были неизвестны.

В целом текст по структуре представляет собой хозяйственный документ с указанием мер объема продуктов и перечня собственных имен (вероятнее всего, лиц, получивших или доставивших продукты). Вторая строка внутренней стороны острака читается: «Тухумай получил или доставил 4 меры». В третьей строке буква к известна по документам из Нисы как сокращение меры, а капича (каpic) – как мы знаем, термин, применявшийся для исчисления объема жидкостей. В документе встречается слово «капич»: «3 капича (?), Тйрак – 3...». На первой строке имеется число 180, но из-за того, что начало и конец строки отбиты, трудно определить, обозначало это число год или количество мер выданного (или полученного) продукта. С точки зрения структуры данный текст похож на парфянские остраки, найденные в Нисе и в Коша-депе, а также он очень близок к мугским документам.

Как считает В.А.Лившиц, находка острака на Хумбузтепе свидетельствует о наличии хорезмийской канцелярии на территории изучаемого памятника, в связи с чем Хумбузтепе был промышленным центром Южного Хорезма, выполнявшим определенные заказы, а взамен получавшим хозяйственные продукты и вино. Все эти операции велись писцами. По согдийским документам нам известны имена нескольких профессиональных писцов канцелярии царя Чакин Чур Бильги, Деваштича. Княжество Пенджикент (Панч) было одним из самостоятельных, экономически стабильных владений Самаркандского Согда. Археологические материалы показывают, что памятник Хумбузтепе

обживался с VI-V вв. до н.э. до IV в. н.э. В этот же период и в Согде развивалась хозяйственная жизнь.

Таким образом, мугские документы из Согда и документ из Хумбузтепе свидетельствуют о применении в хозяйстве, меновой торговле единой меры объема – капича как единицы измерения.

ЛИТЕРАТУРА:

1. *Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент, 1992.*
2. *Мамбетуллаев М. Хумбузтепе – керамический центр Южного Хорезма // Археология Приаралья. Вып. II. – Т.: Фан, 1984.*
3. *Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. Юридические документы и письма // Чтение, пер. и коммент. В.А.Лившица. – М., изд. вост. лит. 1962; Вып. III. Хозяйственные документы // Чтение, пер. и коммент. М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. М., изд. вост. лит., 1963.*

ЖЎРАЕВ Ш.

ТошДШИ ўқитувчиси

Қадимий Хоразм тангаларидаги баъзи рамзий белгилар ҳақида (от ва суворий)

Ўрта Осиё халқларида тангалар зарб қилиш аҳамонийлар давридан бошланган. Хоразм ҳудудларида дастлабки зарб қилинган тангалар мил.ав. II–I асрлардан бошланади. Бу жараён, яъни тангалар зарб қилиш VIII аср охири IX аср бошига қадар узлуксиз равишда давом этади. IX асрдан мусулмон тангалари муомалага киритилган. Тангалар нафакат нумизматик материал, балки ўша давр сиёсий–ижтимоий, иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи нодир манба ҳисобланади. Чунки ислом тарихигача бўлган даврга оид ёзма манбаларнинг камлиги туфайли асосан нумизматик ва археологик материалларга таянилади.

Хоразм тангаларини ўрганиш М.Е. Массон, С.П. Толстов, Э. Томас, Х.К.Е. Кёлёр, А.К. Марков, Э. Друен, А. Быков, В.А. Лившиц, Б.И. Вайнберг каби олимлар томонидан амалга оширилган. Мустақиллик йилларида Хоразм воҳасидан топилган тангаларнинг ўрганилиш жараёнида ҳал қилинмаган муаммолар бўлишига қарамасдан, негадир бу давр тарихига эътибор камлигича қолмоқда.

Хоразм тангаларининг Хоразм худудида зарб қилинганлиги ва типологик жиҳатдан алоҳида хусусият касб этиши дастлаб С.П. Толстов ва М.Е. Массон томонидан алоҳида таъкидланган.

Биз фикр билдирмоқчи бўлган масала тангалардаги ҳукмдорлик атрибутлари (рамзият белгилари) масаласидир. Ушбу масаланинг турли жиҳатлари юқоридаги тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Суворий Хоразм тангаларидаги асосий рамзлардан бири бўлиб, то VIII асргача турли ҳукмдорлар зарбларида кузатилади. Бу турдаги материалларда уч асосий белги - тамға, шоҳ тасвири ва суворий тасвирлари алоҳида ўрин тутади.

Суворий рамзи шоҳлик атрибутларидан бири бўлиб, илохийлик рамзи ҳисобланади. Бу рамзга эга бўлганларга улуғ тақдирлар, подшолик насиб бўлади, деган фикр мавжуд бўлган. Жумладан, суворий шоҳнинг ўзи ёки афсонавий Сиёвуш деб талқин қилинади. Бизнинг фикримизча, бу рамзда асосий эътиборни от тасвирига қаратиш керак. Маълумки қадим тарихда от муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Масалан, массагетлар ўз тангриларига учқур отни қурбонлик қилганликлари ёки ўрта асрларгача хон кўтариш маросими – Тобуғ адо этилганда хонни отга ўтказиш одати бўлган. М. Исҳоқовнинг фикрича зардуштийликда от муқаддас ҳайвонлардан бири ҳисобланган. Онадўли туркларидан от гўшти ҳозирги кунгача истеъмол қилинмайди. Демак, отга нисбатан қадимда ҳам, ҳозир ҳам ўзгача ҳурмат билан муносабатда бўлинган. Хоразм худудидан топилган тангаларда от тасвири устида суворий билан, айримларида эса суворийсиз учрайди. Бу ҳолат Юнон – Бақтрия, Парфия тангаларида ҳам кузатилади.

М. Исҳоқовнинг фикрича, Тангалардаги тамға тасвири оташдон белгисидир. Бизнингча оташдон кўринишидаги тамға ва от тасвирларида ўзаро муносабат мавжуд. Бу рамзда афсонавий сиёвуш эмас, балки шоҳ тасвири туширилган деб тахмин қиламиз. Чунки суворийларнинг иконографик ифодалари, киёфалари турлича. Маълумки, Хоразм зардуштийлик динининг шаклланган марказлардан бири бўлган. Зеро, Хоразм ҳукмдори ижтимоий ҳаётдан ажралиб қола олмас, балки зардуштийлик анъаналари билан ҳамнафас яшар эди. Бизнинг тахминимизча, Хоразм тангаларидаги от тасвирининг келиб чиқиши Хоразмликларининг турмуш тарзи ва зардуштийлик урф-одатлари билан боғ-

лик. Бу ҳолатнинг бошқа тангаларда учраш сабаби зардуштийлик дини таъсири билан боғлиқдир.

МАВЛОНОВ К.
илмий тадқиқотчи

Абу Райхон Беруний – сўғдлар ва уларнинг тақвими тўғрисида

Хоразмда Маъмунийлар ҳукмронлиги қисқа даврни ўз ичига олганига қарамай, маданий ҳаётда чуқур из қолдирди. Бу ерда X аср бошларида ташкил топган машҳур илмий марказ «Мажлис уламо» шартли равишда «Маъмун академияси» деб ном олган. IX–X асрларда ислом дунёсининг йирик илмий маркази «Бағдод Маъмун академияси» (Байт ул-ҳикма) шарқ мусулмон дунёси ренессансининг ёрқин ифодаси бўлгани каби, Хоразм «Маъмун академияси» ҳам ушбу жараёни янада кенгрок кўламга олиб чиқди. Ўзигача бўлган илмий тафаккурий меросни ривожлантириб янги чўққиларга олиб чиқди. Бағдод академиясида шарқ ва ғарб илмий анъаналари ўртасига яратилган «кўприк»ни янада мустахкамлади ва кенгайтди. Энг муҳими, Хоразм Маъмун академияси қадимий илмизларга эга. Марказий Осиё илмий тафаккур анъаналарини кўридан янги юксак аланга ясади.

Хоразм Маъмун академияси доирасида фаннинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб борилди. Фалсафа, математика, астрономия, медидцина, кимё, тарих, этнография, каби кўплаб дунёвий аниқ ва гуманитар фанлар ривожланди.

Маъмун академиясининг ташкилий илмий ҳаётида раҳнамолик қилиш билан бир қаторда ўзи ҳам бекиёс даражада улкан мерос қолдирган Абу Райхон Берунийнинг илмий фаолияти серқирра эди. Жумладан, Абу Райхон Беруний буюк математик, астроном, табиатшунос, элшунос, тарихчи, файласуф каби кўплаб сифатларга муносиб аллома эди. Унинг биргина «Осор улбоқия анал қурун ал-ҳолия» («Хронология») асариёқ тарих, элшунослик, йил ағдариш, кўплаб халқларнинг тақвимига хос тасаввурларини, маросимий байрамларини, уларнинг сабаблари ва моҳиятини, вақт билан боғлиқ ҳисоблаш усулларини атрофлича таҳлил этади.

Шу муносабат билан Абу Райхон Берунийнинг Суғд ва сўғдийлар ҳақида айтиб кетганлари алоҳида тадқиқот объекти бўлишга лойиклиги қайд этган ҳолда баъзи маълумотларга тўхталиб ўтамиз.

Биринчи галда «Ойларнинг фазилатлари» номли қисмда Беруний суғдийлар тақвида ойларнинг номларини келтириб, уларнинг аталишидаги фонетик хусусиятларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Беруний тузган 12 ой рўйхати адабий ҳарфлар билан унли товушлар туширилган шакллари қайд этган. Буни шунчаки араб имлосига хос қисқа унлиларни ёзувда ифода этмаслик деб тушуниш етарли эмас. Гап шундаки, суғд ёзувида ҳам унлиларни тушириш анъанаси маълум эди. Лекин Беруний бу имловий ўхшашликка маҳсус изоҳ бермайди. Афтидан Беруний учун ушбу имло қондаси оддий кундалик ҳолат бўлган. Беруний келтирган рўйхатдаги Навсарз, Жржн, Нисан, Бсок, Ашнахнза, Мжихнза, Фғоз, Лбанх, Фвғ, Мсовғ, Жимда, Хшвм каби ой номларининг унлиларини тиклаб талаффуз этилса қуйидаги қатор келиб чиқади: навсардич, хваризнич, нисанич, ибсокч, шнаххандич, мазиххандич, бағканич, опанч, вуғич, масвуғич, зимтич, ахшумич.

Ушбу ой номлари тизими Муғ тоғи суғд ҳужжатларининг санаси бор намуналари орқали аниқ исботланади. Бу ўринда Беруний суғдлар вақт ҳисобида ҳафталарни ишлатмас эдилар, дейди (Осар ул-боқия. – Т., 1968. – Б. 84). Унинг айтишича, ҳафта тушунчаси таврот орқали кириб, «оламнинг олти кунда яралиши»га нисбат берилган. Лекин М. Исҳоқовнинг маълумотларига кўра, қадимги суғдлар ва умуман зардуштийлик дунёси) вақт ҳисобида ҳафтани билган. Бу уларнинг ой ичидаги 30 кунга берган номларида 1-,8-, 15-,23- кунларнинг ҳафта боши сифатида бир ном билан, яъни Ахурамитда куни («Суғдча «римазд») деб аталишида яққол кўриниб турибди. 83-ва «Осор ул-боқия» нинг 231-бетларида суғд тақвимининг 30 кунлик ойлари йиғиндиси 360 кунга қўшимча беш кун ва унинг қолдиғини йиғиб ҳисоблаш ҳақида қизикарли маълумот берилган. Шу беш куннинг номлари Берунийда икки вариантда берилган бўлиб, улар ўзаро фарқли: 1. Ховтст, нхнд, рхшн, внозн, ардмбиш; 2. жнврд, нбврд, срдрд, мохрд, мирздх.

Кўриниб турибдики, бу номларнинг аниқ тарихий талаффуз шаклини тиклаш қийин. Бу ҳақда В.А. Лившиц ёзади: «Ушбу кўшимча беш куннинг номлари фақат Беруний туфайли бизга маълум. Уларнинг талаффузини тиклаш қийин. Лекин шуниси аниқки, улар ўрта форс ва суғдий номлардан фарқли» (В.А. Лившиц. «Зороастрийский календарь». Приложение к книге Э. Бикермана. Хронология древнего мира. Перевод с английской И.М. Стаблин-Каменского. – М., 1975. – Б. 320-331).

Ушбу кўшимча беш кун астрономия йилни тўлдириб 12 ой охирига қўшилган ва наврўз арафаси кунлари ҳисобланган.

ИСМАТОВА Н.

*МОХТ кафедраси 2-курс
магистранти, ТошДШИ*

Маҳмуд Ибн Валининг «Баҳр ал-асрор» асарида Хоразм

XVI–XVII асрларда яшаб ижод этган балхлик машҳур олим Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор фи манақиб ал-ахйар» («Олийжаноб инсонлар жасорати хусусида сирлар денгизи») асари Марказий Осиё ўрта асрлар (айниқса XVI–XVII асрлар) тарихини, географиясини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Маҳмуд ибн Вали асарни ёзишда ўзидан олдин ўтган араб географларининг, шунингдек ўрта асрларнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) асарларидан фойдаланган.

«Баҳр ал-асрор» етти жилддан иборат бўлиб, унинг биринчи жилдида Мовароуннаҳр, Шарқий Хуросон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлар, у ердаги кўплаб шаҳарлар, ижтимоий муҳит, аҳолининг турмуш тарзлари, анъаналари, машғулотлари, шунингдек, дарёлар, денгизлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Асарда шунингдек, Хоразм ўлкаси, иклими, аҳолиси ва уларнинг машғулотлари билан боғлиқ маълумотларни ҳам учратишимиз мумкин. «Хоразм, - деб ёзади муаллиф, - бешинчи иқлимда¹ жойлашган катта мамлакат ҳисобланади. Пойтахти қадимги форс шоҳлари даврида Урганч шаҳри бўлган. Кейинчалик

¹ Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, мусулмон географ олимлари дунёнинг инсон яшаб турган тўртдан бир қисмини етти иқлимга бўлиб таърифлаганлар

Жайхун дарёсининг Урганч орқали ўтадиган ирмоғи куриб қолиши оқибатида у бошқа шаҳар – Хивага кўчирилган. Ушбу шаҳар ўзининг мусаффо иқлими, кенг майдони билан ажралиб турган»¹. Муаллиф Хоразмнинг совуқ иқлими ҳақида шундай дейди: «Қаҳратон совуқларда ер усти муз билан қопланиб, хаттоки суворийнинг от устида ўтириши ҳам қийинчилик туғдиради. Шунинг учун улар бошдан оёқ маҳкам ўраниб оладилар»².

Маҳмуд ибн Вали хоразмликларнинг келиб чиқиши ва «Хоразм» атамаси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни келтиради: «Шоҳлардан бири ўз душманларини тутиб, уларни анча ташландик, яшаш қийин бўлган узоқ жойларга бадарға қилишни буюрибди. Қисқаси, улар шундай ерга келиб ўрнашибдиларки, у ерда ҳаёт манбаи фақатгина Жайхун дарёсидан тутадиган балиқларию, кенг бутазордан иборат бўлиб қолибди. Ўша аҳоли балиқни «хва», бутазорни «разм» деб атаганлари ҳолда ўрнашган маконларини ҳам шу икки ном билан атай бошлабдилар. Айримларнинг айтишича, «хва» лаънатланган, «разм» эса Кайхусрав³ билан Афросиёбнинг⁴ ўғли Шида жанг қилган ва Шида ўлдирилган жой маъносини беради. Умуман айтганда, «Хвараниян» – Хоразмнинг қадимий номи бўлиб, ўша даврлардан у мазкур ном билан машҳур бўлган мамлакатдир»⁵. Муаллиф хоразмликларнинг шахсий хислати ҳақида ёзар экан, уларнинг мардлиги, ботирлиги, уддабуронлиги, ҳеч қачон жангдан чекинмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Маҳмуд ибн Вали, Хоразм халқининг дехқончилик маданияти билан боғлиқ бўлган машғулотлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган: «Мазкур мамлакатда қовун экиш ҳамда ўстириш ажабтовур тарзда амалга оширилган, яъни янтоқнинг узун илдиизи тепа

¹ Академик В.В. Бартольднинг ёзишича, Араб Муҳаммад (1603–1623) ҳукмронлиги даврида Хива мамлакат пойтахтига айлантирилди (В.В. Бартольд. Статъи из Энциклопедии Ислама. Соч. т. III. – М., 1965. – С. 550).

² Ўша жойда.

³ Кайхусрав – Авеста, Шоҳнома ва ўрта аср манбаларига мувофиқ қадимги Эрон шоҳларининг умумлаштирувчи номи

⁴ Афросиёб – Туроннинг афсонавий подшоси

⁵ Муаллиф ушбу маълумотларни «Ажойиб ал-белад» асаридан олгандир. Лекин асар муаллифини кўрсатмаган; Ахмедов Б. Море тайн. – Т.: Фан, 1997. – Б. 43-44.

қисми кесилади ва унга қовун уруғи ўтказилади. Уруғлар то пишиб етилгунча ушбу илдиздан озуқа оладилар. Натижада бундай қовун жуда катта ва ширин бўлади... Хоразмда ёнғокдан ташқари барча турдаги мевалар мавжуд бўлган», - деб ёзади муаллиф. Шунингдек, у Хоразм кончилиги ҳақида ҳам шундай ёзади: «Ўлкада Шайх Ҳалили номи билан машҳур чакмоқ тош қони мавжуд бўлиб, у энг юқори сифатли чакмоқ тошлардан ҳисобланган. Шунинг учун ушбу тош қимматбаҳо тошлар қаторига кирган. Мазкур тошнинг бир неча навлари бўлиб, энг яхшиси мис билан аралашганидир»¹.

«Баҳр ал-асрор»да Хоразмнинг баъзи шаҳарлари хусусида ҳам сўз юритилади. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, қадимда мамлакат пойтахти бўлган, ўлканинг йирик сиёсий ва савдо-сотик маркази ҳисобланган Урганч² ҳамда Журжония шаҳарлари билан боғлиқ тафсилотлар келтирилади.

Муаллиф 645/1248-726/1326 йилларда яшаб ижод этган хоразмлик шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд Пурёرنинг қабри Урганчнинг ички қисмида³ бўлиб, қабр ёнида уч юз устунли масжид жойлашганини ҳам ёзиб қолдирган.

Журжония тўғрисида эса шундай дейди: «Хоразмнинг шаҳарларидан бўлиб, ҳозирда эса Кат номи билан юритилади. Бешинчи иқлимдан, ҳавоси совуқ. Нон маҳсулотлари ва мевалари шириндир...»⁴. Лекин бошқа манбалардаги маълумотлар билан солиштирилса, Журжония бу Кат⁵ шахрининг қадимги номи эмас,

¹ Ўша жойда.

² Урганч Амударёнинг чап қирғоғи қуриб қолганидан сўнг ташландик ҳолга келиб қолган. 1645 йилда Хиванинг тахминан 33 км шимоли-шарқида Янги Урганч шаҳрига асос солинган. У ерга қадимги Урганчнинг аҳолиси қўчиб келганидан сўнг Янги Урганч ҳам Хоразмнинг асосий савдо-сотик марказига айлантирилди (Бартольд В.В. Статъя из Энциклопедии Ислама. – С. 549-550).

³ Б.Аҳмедов нашрга тайёрлаган «Море тайн» («Баҳр ал-асрор») асарининг саҳифасида Паҳлавон Маҳмуднинг макбараси «Урганчнинг ички қисмида» деб кўрсатилган. Бу хато маълумот тасодифан пайдо бўлган кўринади. Аслида Паҳлавон Маҳмуд макбараси Хиванинг Ичон қалъасидадир (масъул муҳаррир – М.Исҳоков).

⁴ Аҳмедов Б. Море тайн. – Т.: Фан, 1997. – Б. 44.

⁵ Кат-Амударёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар. Хоразмнинг қадимги пойтахтларидан. «Кат» сўзи хоразмликлар тилида «девор» маъносида (Ёкут Намавийда) ишлатилган. Бошқа номлари: Хоразм, Фил, Кос, XIX асрда Шоббоз (Шайх

эмас, балки Кўхна Урганчдир, деган хулосага келиш мумкин. Ёкут Ҳамавийнинг (1179 йилда туғилган) изоҳича, маҳаллий тилдаги Урганч номи арабчалаштириб, Журжония шаклида ёзилган¹.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор» асари нафақат мамлакатлар тўғрисида, балки фаннинг турли соҳаларига оид (минералогия, тиббиёт, адабиёт, ўсимлик-шунослик ва ҳоказо) маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Шунинг учун ушбу асар географларга ҳам, тарихчиларга ҳам, этнографларга ҳам, адабиётшуносларга, тилшуносларга ҳам бирдек аҳамиятга эга.

БОЛТАБОЕВ Ф.

*Темурийлар тарихи Давлат
музейи ходими*

Хоразм ва Дашти Қипчоқ муносабатларига доир (XI–XIII асрлар)

Дашти Қипчоқ ва Хоразм муносабатлари қадим тарихга эга. Ҳар икки минтақадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар бир-бирига таъсир кўрсатмасдан қолмаган.

Қипчоқлар ва Хоразм ўртасидаги муносабатлар XII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан янада фаоллашган. Айнан шу давр манбаларидан маълум бўладики, Хоразмшоҳлар давлати сиёсий ҳаётида бир қанча қипчоқ қабилалари фаол қатнаша бошлайдилар. Бу хусусида қуйидагича мисоллар келтиришимиз мумкин;

1. Хоразмшоҳ Қутбиддин Ойбек ўз ҳукмронлигининг биринчи йилидаёқ қипчоқлар билан тўқнаш келади. Бунга сабаб, бизнинг фикримизча, Қутбиддин Ойбекнинг Каспий денгизининг шимолий соҳилларида, Волганинг қуйи оқимларидаги қипчоқ қабилалари иттифокига кирувчи *саксин* қабилалари устига қилган юриши бўлиши мумкин.

2. Отсиз даврига келиб, Хоразмшоҳлар ва Дашти Қипчоқдаги қабилалар билан муносабатлар аввалига кескин тарзда да-

Аббос Вали) дейилган. Ҳозирги Беруний шаҳри (Х.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 252).

¹ Ўша жойда.

вом этган бўлса, кейинчалик ижобий томонга ўзгарган эди. Хоразм билан иқтисодий томондан боғлиқ бўлган Сирдарё этаклари ва Манғишлоқ ҳудудларини эгаллаган Отсиз кўшини асосан қанғли ва туркманлардан иборат кучли ёлланма аскарлардан ташкил топган эди.

3. Хоразмшоҳ Такаш (1172–1200) даврида Сирдарёнинг ўнг соҳилида қипчоқлар билан бир қаторда қанғли, йемак, уран каби қабилалар **қипчоқ иттифоқи** таркибида ҳам яшар эдилар. Хоразмшоҳ Такашнинг хотини, яъни Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг онаси бўлмиш Туркон Хотун ҳам дашт қабилалари вакиллари-дан бири эди. Шу ўринда бир маълумотни айтиб ўтиш жоизки, айнан Туркон Хотуннинг дашт қабилаларига мансублиги Хоразмшоҳлар саройида қипчоқ ва қанғли қабилаларининг роли катта бўлишини таъминлаган.

Хоразмшоҳлар давридаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатганимизда шу нарса аён бўладики, даставвал Қутбиддин Ойбек, Алоуддин Отсиз даврида Дашти Қипчоқ билан муносабатлар душманлик кайфиятида бўлган бўлса, Такаш ва унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад даврига келиб Хоразмшоҳлар саройида Дашти Қипчоқ қабилаларининг роли ортиб боради.

Бизнинг назаримизда, Такаш даврига келиб Дашти Қипчоқ билан муносабатлар ижобий томонга ўзгарариши ва Такашнинг Туркон Хотунга уйланиши Хоразм ва Дашти Қипчоқ ўртасидаги қайсидир сиёсий жараён билан боғлиқ бўлган бўлиши аниқ. Умуман олганда, ҳар қандай даврда дашт қабилаларининг Хоразмга бўлган қизиқиши доимо давом этиб келган.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Биринчидан, Хоразмнинг географик жихатдан Дашти Қипчоқ билан бевосита чегарадош эканлиги, иккинчидан, йирик савдо йўллариининг Хоразмда туташганлиги, учинчидан, айнан шу йўллар орқали Дашти Қипчоқ, Булғорлар ери, Хазарлар мамлакатига қарвонларнинг қатнаши ва энг асосийси, кўчманчиларнинг ўз молларини сотадиган ва хўжалик учун зарур бўлган молларни сотиб оладиган бирдан бир ҳудуд Хоразм бозорлари эди. Чунки, айнан XI–XIII асрларда Хоразм бозорлари Марказий Осиёдаги энг катта бозорлардан бири деб ҳисобланган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ал-боқия» асарида сўғд ва бошқа этносларга оид маълумотлар

Шарқ маданияти, фанининг буюк сиймоларидан бири, ўрта асрлар даврининг буюк қомусий олими Абу Райҳон ибн Аҳмад ал Берунийнинг турли фан соҳаларига оид асарлари бизга мерос қолган. Ана шундай асарларидан бири «Осор ал-боқия» бўлиб, унда Марказий Осиё халқларига оид қимматли ва эътиборга молик тарихий-этнографик маълумотлар мавжуддир. Хусусан, олимнинг «Осор ал-боқия» асарида сўғд ва бошқа халқлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бу маълумотларнинг барчаси асарнинг бир бобида эмас, балки тарқоқ равишда учрайди. Масалан, сўғдлар ҳақидаги дастлабки маълумот асарнинг «Кечакундузлардан таркиб топувчи ойлар ва йиллар моҳияти» бобида келтирилиб, унда олим шундай ёзади: «...Сўғднинг қадимги халқлари эронликлар динини қабул этиб, уларга бўйсунган»¹.

Беруний асарнинг «Айтиб ўтилган йил ҳисобларида ишлатиладиган ойларнинг фазилатлари устида сўз» бобида сўғдийларнинг ой номларини, кунларни қандай аташлари ҳақида фикр юритиб, эронликлар календарлари билан солиштириб, ундаги ихтилофларни баён этади.

Асарнинг бир боби бутунлай сўғдийларга бағишланган бўлиб, у «Сўғдийлар ойларидаги ҳайитлар ҳақида сўз» деб номланган. Олим бу бобда сўғдийларнинг йил, ой ва ҳайит кунлари ҳақида сўз юритиб, уларнинг ойлари ҳақида жумладан шундай ёзади: «Сўғдийларга келганда, уларнинг ойлари ҳам йил чоракларига тақсим этилган бўлиб, сўғдий ойларидан навсарднинг биринчиси ёз бошидир»². Беруний сўғдийлар йилларини эронийлар йиллари билан таққослайди ва: «Баъзилар гумонича,

¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар 1. – Т.: Фан, 1968. – Б. 47.

² Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар 1. – Т.: Фан, 1968. – Б. 278.

Эрон ва Сўғд йилларининг боши то Зардушт юзага чиққунича бир хил бўлган»¹, - деб ёзади.

Беруний сўғдийлар байрамлари, ҳайитлари ҳамда ойлари ҳақида тўхталиб, «Сўғдийлар ойларининг биринчиси Навсард, ойнинг биринчи куни эса сўғдийлар Наврўзи бўлиб, бу катта Наврўздир. Навсарднинг йигирма саккизинчи куни Бухоро мажусийларининг Ромуш Оғом номли байрамидир. Улар шу куни Ромуш қишлоғидаги оташхонага тўпланадилар. Оғом ҳайити энг азиз ҳайитлардан бўлиб, у ҳар бир қишлоқда ўтказилган, улар ҳар қайсиси ўз қишлоқ раислари ҳузурига йиғиладилар ва ебичадилар»², - деб ёзади.

Иккинчи ой Жржн оyi хусусида Беруний бирор нарса етиб келмаганлигини ёзади. Учинчи ой Нийсанж. «Бу ойнинг ўн иккинчи куни «биринчи моҳирж»дир³, - деб кўрсатади.

Беруний сўғдийларнинг тўртинчи Басоканж оyi ҳақида қуйидагиларни баён этади: «Бу ойнинг еттинчи куни Никҳ оғомдир. Бу уларнинг Пайканддаги ҳайитлари бўлиб, шу куни у ерга йиғиладилар. Унинг ўн иккинчи куни иккинчи моҳирждир. Ўн бешинчи куни Амсхвора ҳайити. Бунда овқат, ичимлик ва олов теккан нарсаларни тарк этиб, хамирли овқат, мева ва сабзавотларни ейдилар»⁴.

Сўғдийларнинг бешинчи оyi Ашнхнда деб аталади. Унинг «ўн саккизинчи куни бобахворадир. Бомихвора ҳам дейилади. Бу узумдан сиқиб олинган тоза холис ширани ичишдир. Йигирма олтинчи куни гармхворадир»⁵.

Олтинчи ой Мажндо ҳақида эса олим қуйидагиларни ёзади: «Бу ойнинг учинчи куни Кашмин ҳайитидир. Шу кун Кумужкат қишлоғида бозор бўлади, атрофдан савдогарлар шу ерга йиғилишиб, етти кун турадилар»⁶.

Беруний еттинчи ой Фғкон ҳақида муфассал маълумот келтиради ва шундай ёзади: «Бу ойнинг биринчи куни Нимсарда

¹ Ўша ерда.

² Ўша асар. – Б. 279.

³ Ўша ерда.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша ерда.

⁶ Ўша ерда.

деб аталади. Бунинг маъноси «йил ярми» демакдир. Иккинчи куни ҳайит бўлиб, буни Мин ийдихвора деб атайдилар. Бу куни оташхоналарга йиғилиб, қўноқнинг уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейдилар. Баъзи кишилар эронликлар фикрига мувофиқ бўлсин деб, «нимсарда»ни шу ҳайитдан беш кун олдинга қўядилар. Бу меҳр моҳнинг аввалидир. Тўққизинчи куни Тсис оғом, йигирма бешинчи куни «гармхвора»нинг боши»¹.

Саккизинчи ой Обонжнинг «тўққизинчи куни «гармхвора»нинг охири»⁵ эканлиги ҳақида олим ахборот беради ва тўққизинчи ой Фуғ ҳақида ҳеч қандай маълумот етиб келмаганини ҳам таъкидлаб ўтади². Беруний ўнинчи ой ҳисобланган Масфуғнинг «бешинчисидан то ўн бешинчисигача ҳайит»эканлиги ва шу ҳайитдан сўнг, Бухоро яқинидаги катта бир қишлоқ ҳисобланган Шарғда етти кун мусулмонлар бозори бўлишини ҳам баён этган.

Ўн биринчи ой Жмднжнинг «йигирма тўртинчи куни «Бод амкон ҳайити»³ эканлигини, ўн иккинчи ой эса Хшвм деб аталган ва «бу ойнинг охирида сўғд аҳллари қадимги ўлганларга аза тутиб, йиғлаб, юзларини юладилар ва уларга атаб овқатлар, шароблар қолдирадилар. Бунинг ой охирида қилинишига сабаб сўғдликларнинг «ўғирланган» дейилган беш кунлари, юқорида зикр этилганидек, шу ой охиридадир»⁴. Бу кунлар йилнинг 360-365 кунлари бўлиб, 30 кунлик ойлардан иборат йилни тўлдирган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Беруний сўғдийларнинг календарлари ҳақида сўз юритиб, шу билан бирга Сўғдда қадимда амал қилинган урф-одатлар ҳақида ҳам илмий аҳамиятга эга бўлган муҳим фикрларни берган. Бундай маълумотлар Марказий Осиё халқларининг нафақат маънавий маданияти, балки, тарихий этнографиясини ўрғанишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

¹ Ўша ерда.

² Фуғ оyi аслида Бағ бўлтб, улуғ яратгувчи худо шарафига аталган. Масфуғ оyi «Катта фуғ» оyi демакдир (масъул муһаррир – М. Ишоқов).

³ Абу Райһон Беруний. Танланган асарлар 1. – Т.: Фан, 1968. – Б. 278.

⁴ Ўша ерда.

МАДАМИНОВА Н.
*Низомий номидаги ТДПУ
Хорижий мамлакатлар тарихи
кафедраси тадқиқотчиси*

Авеста «Яшт»ларида ижтимоий ҳаётга оид маълумотлар

Яштлар Авеста китобининг бадиий жиҳатдан энг жонли, тарихий маълумотларга бой қисмидир. Яштлар дастлаб 22 бобдан иборат бўлиб, зардуштийлик анъаналарига кўра, қадимий маъбудлар шаънига айтиладиган алқовлардир. Улар кўплаб асотирий унсурлар билан бир қаторда бой тарихий материалларни ҳам ўзларида сақлаган.

Яштларда узоқ ўтмишга, хусусан, энеолит, бронза даврларига оид илк деҳқонлар ва чорвадорлар жамияти акс этган. Ахлокий, диний-фалсафий қарашлар, тарғиботчилик руҳи қаратилган инсон образи ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, Ахура Мазда ўз пайғамбари¹ Зардуштга таъкидлаб айтдики,

*Фано ичра, эй Зардушт
Кимки номим такрорлар...
Тура айтар уларни,
Ёта айтар уларни
Белбогин тақа айтар,
Белбогин еча айтар,
Уйидан чиқа айтар,
Йўлга отлана айтар,
Юртидан кета айтар,
Юртига қайта айтар
Унга қор этмас асло
Ғазабнок бўлиб келган,
Ғазаб ўтида елган
Душманнинг ҳамлалари.
На болгаси, на найза*

¹ Зардуштра Ислом дини нуқтаи назаридан пайғамбарлик даъвоси билан келган зотлардан. Қаранг: Беруний. Танланган асарлар.-Т.: I: Қадимги Ҳалқлардан қолган ёдгорликлар.

*На пичоқ ва на санҷқи
На тош уни йиқолмас¹.*

Ушбу парчада айрим олинган инсонга, шахсга нисбатан даъват яққол ифода топган. Яъни шахснинг худосига бўлган самимий эътиқоди, энг муҳими, унинг худо номини астойдил зикр этиши, такрор-такрор айтиб туриши душманлардан, бало-қазодан сақланиш воситаси деб кўрсатилади. Демак, зардуштийликда шахс шунчаки жамият аъзоси эмас, балки у ўзи ва илоҳи олдида масъулдир. Худонинг ёди, зикри билан яшаса

*«Бу номлар йигирмадир
Ҳимоят ва қўриқчи
Душманлар алдоғидан,
Гуноҳдан, ҳалокатдан
Қуфр таҳликасидан,
Ўлимшарпа ёлгондан
Ахриманзодалардан
Бу номлар ҳимоятдир».*

Ардви Сура алқови (Обон Яшт)да шундай мисраларни ўқиймиз:

*Мен Мазда бунёд этдим
Уй – хонадон барори,
Қишлоқ ва юрт равнақи
Ҳимояти бут бўлсин
Учун сизга ёр этиб
Ардви Сура-Маъбудни.*

Бу парчада уй (авестача дмана) қишлоқ (авестача вис), юрт (авестача занту) каби ижтимоий тушунчалар келган. Улар жамиятнинг оила, оила-хонадонлар йиғиндиси – қишлоқ. Қишлоқларни бирлаштирувчи юрт даражасидаги уюшган ўзаро муносабатларидан дарак беради.

Аши алқовида ижтимоий муносабатлар, оилавий бирликнинг ички алоқадорлиги акс этган бир парча диққатга сазовордир. Аши бу алқовда эзгу инсонларга, имонлиларга ҳамроҳ бў-

¹ Бу ерда ва матн давомида Авеста Яштлари таржимаси Мирсодиқ Ишқоковдан: Авесто. Яшт китоби. – Т., 2001.

лувчи фаришта каби тасвирланади. У кимгаки ёндашса, кимгаки у эргашса, у инсон албатта бахтли бўлади:

*Сен кимгаки издоишсан
Эзгу Аши, уларнинг
Уйқу тахтлари файзнок
Олтин оёқлар узра.
Юмишоқ ёстиқлар тўла
Муаттару йигинчоқ.
Фаровону алп Аши,
Менга ҳам бўлгин ҳамроҳ.
Тўшак парқу узра шод
Суюкли хотинлари
Юмишоқ пар болишларда
Нафис зийнатлар ичра,
Олтин ичра зебланиб
Билак узук мунчоқлар,
Сирғалари тўрт қирра
Сўзлашишар ўзаро:
«Ҳожамиз қачон келар? -
Суюкбадан роҳатин
Тотармиз бизлар қачон?
Фаровон гўзал Аши
Бўлгил издоиш, жонажон!»*

Шеърӣй парчада зардуштийлик дунёсининг муҳим қирраси – аёлнинг жамиятдаги ўрни кўзга ташланади. Энг муҳими, Аши бир ўринда аёлларга хомий сифатида кўринади. У агар аёлларга эш бўлса, уларга роҳат-фароғат, эрлари билан бахтли ҳаёт бахшида этади. Аёллар эса ўз навбатида эрларини оғир меҳнат машаққатларидан, сафардан, овдан орзиқиб кутадилар. Бу ишларда аёлнинг эш-ҳамроҳи Ашидир.

Келтирилган парчаларда зардуштийлик – Авеста жамиятининг бир қатор хусусиятларини кузатиш мумкинки, уларни синчиклаб ўрганиш тарихимизни янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Берунийнинг Зардушт ҳақида айтганлари («Осор ул-боқия» асосида)

Абу Райҳон Беруний яшаган даврда ислом дини ўлкамизда барқарор амал қилганига қарамасдан, тарихга оид кўп масалалар анъанавий равишда исломгача давр илмий ва тажрибавий билимлари орқали изоҳланган. Милодий XI аср бошида қизғин фаолият кўрсатиб, ўз атрофида замонасининг энг буюк олимларини тўплаган Маъмун академиясидаги илмий билимлар ҳам асос эътибори билан қадимий илмий анъаналар булоғидан сув ичган.

Шу маънода Беруний ҳам ўз илмий ижоди давомида исломгача давр маълумотларига тез-тез муурожаат этиб турган.

Берунийнинг «Осор ул-боқия анал курун ул-ҳолия» асарида мазкур ёндашув усули етакчи ўринда туради десак, муболаға бўлмайди.

Фикримизни Беруний қаламига олинган бир мисол билан исботлашга ҳаракат қиламиз. Бу Зардушт ва зардуштийлик билан боғлиқ маълумотлардан келтирилган далиллар ва тафсилотлардир. Масалан, Беруний куёш тугилиш ҳодисасини биринчи бор кузатиб илмий асослаб берган олим Солис (Фалес Милетлик) яшаган давр ҳақида фандаги бир-бирига хилоф фикрларни «Зардушт тавсифлайди» деб Кайкубод даври билан боғлайди. Бунда, аввало, Зардушт яшаган даврнинг мавҳумлигини ҳамда Кайкубод подшолигининг ровий, мифологик асосларини ҳисобга олсак, Берунийнинг ушбу қиёсий фикрлари у қадар асосли эмаслигини кўриш қийин эмас.

Биринчидан, Беруний Зардуштга ишорат қилганда зардуштийлик (Мазда Ясна) динининг қомусий китоби «Денкард»да келтирилган фикрга суянган кўринади. Яъни, Зардушт «Искандар Зулқарнайндан 258 йил аввал келган» деган фикр Беруний даврида кенг тарқалган эди. Бу ҳисобдан келиб чиқилса, Зардушт яшаган давр мил. авв. VII аср охирилари – VI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Лекин Зардушт ижодий мероси ҳи-

собланмиш Гоҳлар (русча нашрларда «гаты»)да акс этган жамиятнинг ҳаёт тарзи, ижтимоий муносабатлар ўзининг жуда қадимийлиги билан ажралиб туради. Биргина қиёс келтириш Зардушт яшаган давр мил. авв. VII–VI аср эмас дейишга етарли. Бу ҳам бўлса, айти шу пайтда Ўрта Осиёда барқарор йўлга кирган шаҳарсозлик маданияти – Зардушт Гоҳлари учун бегона. Қолаверса, умуман Авеста бронза асридан бошлаб илк шаҳарсозлик босқичи, темир асри бошидаги пойтахт шаҳарлари ҳақида бирорта ишорат бермайди. Демак, Зардушт даврини юнон файласуфи Фалес даврига тўғри келади дейиш қандайдир шартли маънода «Қадимий» деган тушунчани ифода этган бўлиши мумкин.

Кайкубод масаласига келганда астроном Фалес (Берунида-Солис) унинг даврида яшаган дейиш ҳам аниқ тарихий шахсни мифологик қадимий образ билан боғлайди. Бу маънони ҳам «қадимий» ликка тегишли шартли ифода деб қабул қилиш мумкин.

Беруний «Осор ул-боқия»да 12 ойни 30 кундан белгилаб, ортиқча чорак кундан йиғиладиган ойларни қўшимча қилиб ҳисобга киритишни Зардушт амалга оширди, деб кўрсатади. Бу ўринда ҳам Беруний қадимги Ўрта Осиё халқларида амал қилган анъанавий таквимни тартибга солиш усулини бевосита Зардушт номи билан боғлайди. Аслида зардуштийлар таквими номини олган куёш ҳаракатининг астрономик ҳисоб-китобидан туғилган таквим ҳеч шубҳасиз аждодларнинг кўп минг йиллар давомида синалган буюк кашфиёти эди. Зардушт ушбу таквимнинг ойлар ва кунлар атамаларидан кенг фойдаланган, уларга расмий диний, эътиқодий тус берган. Беруний Эрон подшоларининг сил-силасини рўйхат қилиб жадвалда тасвирлар экан, яна бир бора қадимий ровий шоҳлар сулоласи вакили Кайвиштосп билан Зардуштни замондош қилиб кўрсатади. Бу хабар юқоридаги Кайкубод билан тенгдош деб кўрсатилганига зиддир.

Хулоса қилиб айтганда, Беруний келтирган тарихий маълумотлар шарқ тарихнавислик анъанаси билан уйғун бўлган. Бу хусусият бизга бошқа манбалардан ҳам маълум. «Хвадайномаг» унинг асосида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, бир қатор умумий тарихга оид асарлар, Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Қанғ ва Хоразм

Ўзбек давлатчилиги тарихида Қанғ давлати муҳим ўрин тутади. Бироқ шунга қарамасдан ушбу давлат тарихини ёритишда, айниқса Қанғ давлатининг қайси ҳудудда бўлганлиги масаласида маълум чалкашликлар мавжуд. Ушбу масалага бир оз бўлсада, ойдинлик киритишда айрим ёзма ва археологик манбалар таҳлили ёрдам бериши мумкин. Эрамиздан аввалги II асрга оид Хитой манбаларида ёзилишича, Сўғдиёна, Хоразм ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ягона-Қанғуй давлати таркибига кирган. Унинг маркази Фарғонанинг пойтахти Гуйшан шаҳридан 2000 ли (тахминан 1000 км.) шимоли ғарбда Қанғ давлати ҳудуди тўғрисида маълумот берувчи бошқа бир манба хитой сайёҳи ва элчиси Чжан Цянга тегишли бўлиб, унинг ёзишича, Қанғуй аланлар юртидан 2000 ли узоқликда жойлашган. Қанғуй жануби-шарқда Довон билан, жанубда юечжилар (Кушон давлати) билан, шимоли-ғарбда Яньшай (Орол бўйи сармат-аланлари) билан чегарадош бўлган. Бошқа бир Хитой манбаси «Тан-шу» да ёзилишича, Ўрта Осиё шаҳар подшоликлари Кан конфедерациясини ташкил қилишган. Унга Сусиё, Фуми, Юни, Ги, Юе-гянь, яъни Бухоро, Вардана, Кобадийён, Тошкент, Маймурғ, Кушония, Кеш, Хоразм кирган. Уларни жабғу ёки ябғулар бошқаришган. Араб тарихчиси Табарий ҳам ҳақиқатан шундай конфедерация бўлганлиги, унга қирувчи шоҳлар Хоразм яқинидаги шаҳарларнинг бирида Кенгашга тўпланиб турганлигини ёзади.

Хўп, Қанғ давлати қаерда бўлган? Хоразм тарихининг билимдони С.П.Толстов Чжан Цяннинг «Қанғуй аланлар юртидан 2000 ли узоқликда жойлашган» деган маълумотидан келиб чиқиб, Қанғ давлати маркази Хоразм бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради. Чунки, ўша даврда аланлар Шимолий Каспий бўйларида яшаганлар.

Бошқа бир Хитой манбаси – Цянь-Хань-шуда Аньси (Парфия) шимолда Қанғуй билан чегараланган дейилади. Ушбу фикр ҳам С.П. Толстов фойдасига гувоҳлик беради. Унингча, қадимги

Хоразмнинг жануби ғарбидаги энг чекка таянч манзилгоҳи – Қанғқалъа ва уни сув билан таъминлаган Қанғадарёнинг номи ҳисобланиб, Хитой манбаларидаги Қанғуй, «Авесто»даги Қанғ-ҳа ва «Шохнома»даги Қанғдизнинг айнан ўзидир. Қанға давлати конфедерациясида Хоразм сиёсий гегемон ролини бажарган. Бирок бу фикрга қарши чиқувчилар ҳам бор. Масалан, Б.А. Литвинский қанғуйларнинг ёзги манзилгоҳлари Сирдарё бўйлаб жойлашган. Қанғуй ҳукмдорларининг қароргоҳи Тошкент яқинида бўлган, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, Қанғуйнинг маркази ҳам Сирдарёнинг ўрта оқими, деган фикрни илгари суради. Археологлар Тошкент воҳасидаги Қовунчи маданиятини Қанғуй маданияти деб ҳисоблашмоқда. Ушбу маданият маҳаллий илдизларга эга бўлиб Бургулук маданиятининг давомида ривожланган.

Хитой манбаларида Сирдарё ҳавзасида 3 та мулк – Яццай, Қанғуй, Юйни бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади. Сирдарёнинг ўрта оқидамида олиб борилган археологик тадқиқотлар ушбу мулкларни мазкур ҳудудлардаги маданиятлар билан таққослаш имконини беради. Шимолда ботқоқликлар маданиятини Янцай билан, жануброқдаги Жетиасар маданияти Қанғуй билан, янада жануброқдаги Ўтрор-Қоротов ва Қовунчи маданиятларини эса Юйни билан таққосланади. Жетиасар маданияти сакларга тегишли, ушбу ҳолат И. Маркватнинг Қанғуй Яксарт бўйлаб яшаган сак қабилаларига тўғри келади, деган фикрига мос келади. И. Гершевич Тошкент воҳасидан то Оролгача бўлган ҳудудларда тур ва хаомаварга сак қабилалари яшаган, деган фикрни билдирган эди. В.В. Григорьевнинг фикрича, Тошкент воҳасида сақатиграҳаудалар яшаган.

Қанғ давлати муаммосини аниқлашда «От минган чавандоз» тасвири туширилган ўша давр тангаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, бундай тангалар қадимги Хоразм ва унга туташ ҳудудлардан кўплаб топилган. С.П. Толстов фикрича, «От минган чавандоз» бу худо сифатида илоҳийлаштирилган Сиёвуш тасвиридир.

Маълумки, Фирдавсийнинг Шохнома асарида Сиёвуш ўзининг қахрамонона ишларини Қанғада қилгани ёзилади. Сиёвуш эса Авестодаги худо Имма тимсоли ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб, С.П. Толстов Қанғҳа бу Хоразм деб яна бир қарра

хулоса қилади. Аммо бундай қатъийлик Қанғ давлатининг географик чегаралари билан у қадар сиғишмайди.

Қанғуйлар зардуштийлик динидаги худолардан бўлган Фарнга сиғинишган. Ушбу худо ҳукмдорларнинг паноҳи ва қўриқловчиси, шунингдек, уй, оила фароғати, хонадон аъзолари соғлиғини сақловчи худо ҳисобланган. Ушбу худо кўй кўринишида одамларга намоён бўлади, деб қабул қилинган.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Қанғ давлати масаласида турлича қарашлар мавжуд. Биз юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда масаланинг қуйидаги томонларига эътибор бермоқчимиз:

1. Қанғ давлати дастлаб эрамиздан аввалги 3 асрда Сирдарёнинг оқимида, Жетиасар маданияти ҳудудида шаклланган.

2. Қанғ давлати асосчилари-Жетиасар маданияти вакиллари-сак қабилалари бўлишган.

3. Кейинчалик Қанғ давлати Сирдарёнинг ўрта оқимини, Шимоли-ғарбий Фарғонани, Сўғдни ва Хоразмни бўйсундирганлар.

4. Археологик тадқиқотларда кузатилаётган қўй тасвири туширилган идиш ушлоғичларининг ушбу худудларда ёйилиши юқоридаги жараённинг далилидир.

5. Эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб, қадимдан таракқий этиб келган Хоразм ушбу давлатда сиёсий гегемон ролини эгаллайди. Хоразмда ўша даврга оид кўплаб ёдгорликларнинг мавжудлиги, «От минган чавандоз» тасвири туширилган тангаларнинг айнан Хоразм ҳудудида кўплаб топилиши фикримизнинг далилидир.

ШАДМАНОВА С.

Тарих Институтини докторанти

«Туркестанские ведомости» газетасида Хива хонлигига оид баъзи бир масалаларнинг ёритилиши

Туркистондаги биринчи матбуот органи бўлган «Туркестанские ведомости»¹ газетаси саҳифаларида Ватанимиз тарихи,

¹ «Туркестанские ведомости»- Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи бўлиб, 1870-1917 йилларда нашр этилган. 1870 йилда газета доимий бўлмаган ҳолда 1871-1893 йилларда ҳафтада бир марта, 1893 йилнинг 4-

географияси, этнографияси, статистикаси, маданияти ва иқтисодий масалалари кенг ёритилган. Газета саҳифаларида Хива хонлигининг тарихи, маданиятига оид мақолалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги машҳур шарқшунос олим А.Л. Кун¹ қаламига мансубдир. А.Л. Кун Хива хонлигида қўлга киритилган қўлёзма, хужжат ва маданий обидалар ҳақида «Туркестанские ведомости» газетасида хабар беради. Муаллиф «Хива юриши давридаги илмий ишлар» номли мақоласида таъкидлашча, Хивадан Хива хонлигига тегишли бўлган 200 та танга зарб этишга мўлжалланган қолип, бир қанча муҳр, хонлар тахти ва турли этнографик предметлар олиб кетилгани ҳақида хабар беради².

Бундан ташқари, А.Л. Кун газетанинг бир неча сонларида «Хива хонлигининг маданий ҳаёти»³ рукни остида мақолалар чоп этди. Бу мақолаларда муаллиф Хива хонлигининг қадимий шаҳарлари бўлган Хозарасп, Хива, Хонқа, Урганч, Тошҳовуз каби шаҳарлар ҳамда бошқа жойлар тарихи, аҳолиси ва уларнинг машғулотлари, маданий ёдгорликлари, товарларнинг олиб чиқиши ва олиб кириши, хонларнинг ҳукмронлик қилган даврлари, сарой амалдорлари, солиқ тизими, хонликдаги ўлчов бирликлари, хоразмлик авлиёлар ва уларнинг мазорлари тўғрисида маълумотларни ҳамда Нажмиддин Кубро, Полвон ота ҳақидаги ҳикоя ва ривоятларни келтириб ўтади.

Хива хонлигига қилинган экспедиция натижалари ҳам ушбу газета саҳифаларида ёритиб борилган⁴. Хусусан, газетанинг

сонидан бошлаб ҳафтасига 2 марта, 1903 йилдан ҳафтасига 3 марта, 1904 йилнинг 90-сонидан 4 марта, 1907 йилдан, байрам кунларидан ташқари ҳар куни чоп этилган.

¹ А.Л.Кун ҳақида қаранг. Туркестанские ведомости. 1895.№30. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении.Т. Фан. 1965.- С. 114-126.

² Кун А.Л. Описание печатей Хивинских ханов // Туркестанские ведомости. 1873.40. Его же. Научные работы во время Хивинского похода // Туркестанские ведомости. 1873. – С. 50.

³ Кун А.Л. Город Хазар-Асп.// Туркестанские ведомости.1874.2. От Газавата до Ташхауза. От Ташхауза до Ильяли //ТВ.1874.3. От Ильяли до Куня Ургенча // ТВ.1874.6..От Кунграда до Чимбая. //ТВ.1874.9. От Чимбая до Рахманбердыбий базара. 1874. 11..От Гурлена до Шавата.// ТВ.1874.12. От Ургенча до Ханков // ТВ. 1874.- С. 14.

⁴ Туркестанские ведомости.1874. 45. ТВ. 1898. -С. 84.

1874 йил 45-сонида А.Н. Соболевнинг хонликка қилган сафари тўғрисида маълумот берилган бўлиб, асосан этнографик ва географик тадқиқотлар олиб борилгани, аҳолисининг таркиби ва айниқса қорақалпоқларнинг хонликнинг шимолий қисмига кўчиши билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтади. Л.Н. Соболев маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда узоқ ўтмишда Сирдарёнинг суви Хоразмнинг шимолий ҳудудларигача етган деган хулосага келади. Бу экспедиция Хива хонлигининг тарихий ёдгорликларини ўрганар экан, у ерда исломгача бўлган ёдгорликлар ҳам сақланиб қолганлигини таъкидлайди.

Газетада Хива хонининг 1872 йилда Ҳиндистонга элчилар жўнатгани тўғрисидаги мақола эътиборимизни жалб этади¹. Бу мақоланинг муаллифи редакция томонидан сир сақланган. Унда 1872 йилнинг феврида чор Россиясининг Хива хонлигини босиб олишга ҳаракат қилаётганидан ташвишга тушган хон бу вазиятда қандай чоралар кўриш кераклигини маслаҳат қилиб, 1872 йилнинг мартида Хонқа беги Эминиддинбой бошчилигида 18 кишидан иборат элчиларни жўнатгани таъкидланади. Уларнинг мақсади Ҳиндистон орқали Англия қироличаси Викториядан ёрдам сўраш эди. Элчиларга Ҳиндистон вице-короли кучлар нисбати тенг эмаслиги ҳамда рус императорининг бу мақсадга эришишига дунёдаги ҳеч бир давлат тўсқинлик қила олмаслигини билдиради, чор Россияси билан тинчлик тўғрисида битим имзолашни таклиф этади. 13 ойлик сафар натижасиз қолади. Ушбу мақолада элчиларнинг босиб ўтган йўллари ва Ҳиндистонда кўрган-кечирганлари батафсил ёритиб берилади.

Хива хонлиги тарихига оид қўлёзма ва китоблар тўғрисидаги хабарлар ҳам вақти-вақти билан газета саҳифаларидан ўрин олган. Масалан, В.В. Бартольд «XVI асрда Хоразм тарихи» номли мақоласида 1902 йилда Тошкентда Маҳмуд бин Валининг бир китобини қўлга киритганини ва бу китоб Хоразм тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири эканини таъкидлайди².

¹ Хивинское посольство в Индии в 1872 г. // Туркестанские ведомости. 1896. – С. 72.

² Бартольд В.В. К истории Хорезма в XVI в. // Туркестанские ведомости. 1903. – С. 20.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи бўлган «Туркестанские ведомости» газетаси биринчи навбатда чор ҳукуматига хизмат қилиш, унинг сиёсатини халққа етказиш учун ташкил этилган бўлса-да, ўлкамиз тарихи, хусусан Хива хонлиги тарихи, географияси, этнографияси, маданияти, иқтисодига оид материалларни ҳам чоп этди. Кўпинча мақолалар илмий характерга эга эди, бундай мақолалар кейинчалик бошқа илмий тадқиқотларга ҳам туртки бўлди.

ИЗОҲЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Исҳоқов М. Абу Райҳон Беруний ва қадимги Хоразм тақвими-нинг баъзи хусусиятлари	7
Саидов Ш. VIII–XI асрларда Хоразмнинг юксалиши	10
Суёнова О. Абу Райҳон Беруний ва унинг даври ҳақида айрим қайдлар	12
Алимова Р., Ўрозбоева Н. Беруний қадимги хоразмликлар байрамларининг сабаблари ҳақида	15
Соатова С. IX–XIII асрларга оид манбалардаги этнографик маълумотларнинг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар ...	18
Мансуров Ў. Сўғд қишлоғи ижтимоий ҳаётига доир баъзи мулоҳазалар	21
Бобоёров. Ғ. Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида туркий халқлар тарихининг ёритилишига доир	23
Исҳоқов М., Қодирова Д. Парфия даврига оид адабиёт намуналари ва тарих	25
Файзиев Х. Шоҳрух Мирзо сиёсатида Хоразм масаласи	28
Зокиров. Ш. Муншаот жанри тарихидан	31
Исҳоқов М., Зокиров Ш. Абу Райҳон Берунийнинг тарих фани методи ва методологияси ҳақидаги фикрлари	33
Мамарахимова Б. О практическом применении меры объема капич в хорезмийском и согдийских документах	35
Жўраев Ш. Қадимий Хоразм тангаларидаги баъзи рамзий белгилар ҳақида (от ва суворий)	38
Мавлонов К. Абу Райҳон Беруний – сўғдлар ва уларнинг тақвими тўғрисида	40
Исматова Н. Маҳмуд Ибн Валининг «Баҳр ал-асрор» асарида Хоразм	42
Болтабоев Ф. Хоразм ва Дашти Қипчоқ муносабатларига доир	45
Хусайнова Ф. Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ал-боқия» асарида сўғд ва бошқа этносларга оид маълумотлар	47

Мадаминова Н. Авеста «Яшт»ларида ижтимоий ҳаётга оид маълумотлар	50
Эшонхонова И., Абдуллаев А. Берунийнинг Зардушт ҳақида айтганлари	53
Қудратов С. Қанғ ва Хоразм	55
Шадманова С. «Туркестанские ведомости» газетасида Хива хонлигига оид баъзи бир масалаларнинг ёритилиши	57

Нашрга т. ф.н. **Ш.САИДОВ**
тайёрловчилар: ТошДШИ магистранти **Н. ИСМАТОВА**
Тех. муҳаррир: **С. ЮСУПОВА**
Комп.версткаси: **М. ЗАРИФОВ**

Босишга рухсат этилди 29.03.2006
Бичими 60x84 1/16 Шартли 4,0 б.т. 200 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006